

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

---

**Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК - 811.512.133 (094)**

**КЎЧИМОВ ШУҲРАТ НОРҚИЗИЛОВИЧ**

**ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА  
ИФОДАЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ  
МУАММОЛАРИ**

**10.02.02 -ўзбек тили**

**Филология фанлари доктори илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент 2004**

Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда  
Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида  
бажарилган.

**РАСМИЙ ОППОНЕНТЛАР:** филология фанлари доктори, академик  
**Ғ. АБДУРАҲМОНОВ**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Б. ЎРИНБОЕВ**  
юридик фанлари доктори, профессор  
**Ҳ. БОБОЕВ**

**ЕТАКЧИ ИЛМИЙ  
МУАССАСА:** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети

Ҳимоя 2004 йил май ойининг 7 куни соат 14:00да Ўзбекистон  
Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва  
адабиёт институти хузуридаги ДК 015.04.02 рақамли докторлик илмий  
даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича  
ихтисослаштирилган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-үй.

Диссертация иши билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-үй.

Автореферат 2004 йил апрель ойининг 2 кунида тарқатилди.

Ихтисослаштирилган кенгаш илмий  
котиби, филология фанлари  
номзоди

Н. МАҲКАМОВ

# ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикаси миллий истиқололғоялариға асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қураётган бугунги кунда миллий қонунчиллик тизимини такомиллаштириш энг муҳим вазифалардан биридир. Шу боис Олий Мажлис тизими ва қонун ижодкорлиги жараёнида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда икки палатали профессионал парламент тизими шакллантирилмоқда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг дадил саъи ҳаракати натижаси ўлароқ 300дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар юридик нуқтаи назардан умумэтироф этилган халқаро хукуқ принциплари ва нормаларига мос келувчи, миллий истиқлол фояларини ўзида тўла акс эттирувчи тамоман янги норматив-хукукий ҳужжатлардир.

Албатта, ижтимоий ҳаётда қонунлар самарадорлиги уларнинг микдори билан ўлчанмайди, балки амалиётда қандай натижалар бериши, жамиятда ҳукукий тартиботни йўлга кўя олиши билан баҳоланади. Бунинг учун қонунлар мазмунан одилона ҳукукий кучга эга бўлиши билан бирга тил ва услуб жиҳатидан ҳам мукаммал дараҷасада тузилиши, қонунчилик техникаси<sup>1</sup> талаблари дараҷасида аниқ, тушунарли, содда, қисқа, лўнда, ва равон ишилаб чиқилиши лозим. Шундагина у амалиётда кўзланган самараларни беради, қўллаш учун қулай бўлади.

Аммо ҳозирги пайтда норматив-хуқуқий ҳужжат лойихаларини сифат жиҳатидан мукаммал даражада ишлаб чиқиш учун олдиндан мавжуд бўлган илмий-назарий қоидалар, шу жумладан, шўролар замонида шаклланган қонунчилик техникаси бугунги кун талабларига, миллий истиқлол ғояларига жавоб бера олмаяпти. Шунинг учун ҳам қонунчилик амалиётида бир қанча илмий-амалий муаммолар пайдо бўлмоқда.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ VI сессиясида маҳсус тўхталиб ўтиб, бу борада жиддий камчиликлар борлигини алоҳида таъкидлаган эдилар: “Айрим қонунчилик ҳужжатларининг йўқлиги, борларининг ҳам гоҳ нотўғри, қонунга хилоф тарзда талқин қилиниши баъзи қонунларнинг самара бермаётганига сабаб бўлмоқда. Қонунчиликнинг мавжуд тартиботидаги жиддий камчиликни ана шунда деб биламан. Қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг пухта ишлаб чиқилган стратегияси ва тизими йўқ”.<sup>2</sup>

Ҳукуқшунос олим Э.Х.Халилов Ўзбекистонда қонунчилик истиқболларини белгиләтиб, ҳозирги пайтда қонун ижодкорлыги амалиётида қонунчилик техникаси билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжудлигини, уларни илмий

<sup>1</sup> “+iióí-èëéê òåðíóíèéàñè” ääääáíää ñíðíàòèà-ùó=ó=éé ùóææàò eëéèùàëàðèíè ðóçèø áúéé-à =íèäà àà óñóëéàð éèëèíäèñè, ùóææàòðíéà è-èè ðóçèëèøè, óíää =ûøèì-à àà úçääðòèøèàð éèðèòèø, ùó=ó=éé ñíðíàëàðíéà èòíää óñóëéàðè, óíéíà ðèëéè àà óñóéåé, þðëäéè àòàíàòþóíññéè, =ííóí eëéèùàëàðèíè áèð ðèëéäàí èëéèí-è àéð ðèëéäà òàðæèòà =èëéèø ùà=ëäääé åéëéèíéàð ìàðíóé ðóðóñéëéàäé.

<sup>22</sup> Éadéini E.A. Úticeðæð aíñ=ð=áá ááñiðæðæðé èñéññiðóðæðí =ó=ððéàððéðèðófíñá iñóñéì ááçéðóáéðé. // Bñáé=áðééðæðó áá èñéð= - ááðð ðæðáéðé. - Ó: Úcááéññóðí, 1997. - Á. 126.

жиҳатдан ўрганиш зарурлигини, бунда айниқса қонунларнинг тили масаласига кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди<sup>3</sup>.

Шунингдек, академикёаð F.Аáäóðàùííâ, Ш.З.Уразаев, профессорлар F.Абдумажидов, F.Ахмедов, X.Одилқориев, А.Х.Саидов каби ҳуқуқшунос аà òèёøóíïñ олимлар ҳам ҳозирги пайтда ўзбек қонунчилиги тили ва юридик атамашунослик тизимида жиддий муаммолар борлигини алоҳида қайд этадилар.<sup>4</sup>

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги пайтда айрим қонунларимиздаги баъзи ҳуқуқий нормалар қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан талабга тўла жавоб бермайди. Ифода усуллари ниҳоятда мураккаб бўлганлиги сабабли айрим ҳуқуқий нормаларда аниқлик етишмайди. Бу эса фуқаролар учун амалиётда бир мунча қийинчиликлар туғдирмоқда, айрим ҳолатларда эса баъзи ҳуқуқий нормаларнинг нотўғри тушунилишига ёки турлича мазмунда талқин ва тавсиф этилишига ёки шарҳланишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам бу масалага мамлакатимиз раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида Норматив-ҳуқуқий атамалар бўйича маҳсус комиссия ташкил этилди. Комиссияга қонунчилик атамаларининг бирлигини сақлаш, уларни таҳлил этиш, лойиҳаларни ифода усули жиҳатидан такомиллаштириш каби вазифалар юклатилди.

Бироқ, бу вазифа шундай мураккаб жараёнки, уни чукур илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этмасдан ҳамда ўзбек юридик тилини такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқмасдан туриб, уни амалга ошириш мураккабдир.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Ривожланган хорижий мамлакатларда қонунчилик техникаси масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, бу соҳа маҳсус фан ва ўқув курси даражасига кўтарилиб, кўплаб илмий тадқиқот ишлари ҳамда илмий рисолалар яратилган. Хорижлик ҳуқуқшунос олимлар, хусусан, Ф. Жени, Р. Лукач, А. Нашиц томонидан қонунчилик техникаси бўйича маълум бир таълимотлар ишлаб чиқилган.

Россиялик ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам қонунчилик техникаси, хусусан, қонунчилик тили, услубияти ва атамашунослиги юзасидан бирмунча ишлар қилинган. Профессорлар Д.А.Керимов, А.С.Пиголькин, А.А.Ушаков, А.Ф.Шебанов, В.М.Савицкий каби олимлар томонидан бу мавзуга бағишлиланган маҳсус илмий тадқиқот ишлари олиб борилган, кўплаб монография ва илмий мақолалар ёзилган.

Айниқса, Россияда сўнгги йилларда бу мавзуга алоҳида эътибор қаратилиб, 1997 йилда Т.В. Губаев томонидан “Юриспруденцияда сўз санъати”, Н.А.

<sup>3</sup> Халилов Э.Х. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан. Автореф. дисс. ... доктор. юрид. наук. - Т: 2000. -С.28-32.

<sup>4</sup> Уразаев Ш. З. Власть и закон. - Т.: Фан, 1992.- С.26.; Аáäóðàùííâ / .+ííóí èæíæðéèëæ âà =ííóí ðèøø óñøáæ // Ўó=ó=. 2003. '1. Á.10-14.; Саидов А., +осимова М., Каримов Л. Ызбек шу=у=ий атамалари муаммолари // Ызбек тили ва адабиёти, 1992. № 2, -Б.38.; Абдумажидов /.А.. +онун тили ызбекчалашмо=да. // Щуррият., 1997.; Ахмедов Г., Саидов А. Терминология - это важно. // Народное слово, 1991, 16 август.; Іае=іðеââ Ù.Ӯ. Úçáâêèñöí Ðâññóáëëàñèä =ííóí ÷è=àðèø æàðà,fe. - Ó.: Úçáâêèñöí, 1995. -Á.66.

Власенко томонидан “Хұқық шақлини аниқ ифодалаш муаммоси (лингвомантикий таҳлил)” мавзуларыда докторлық диссертациялари химоя қилинди.<sup>5</sup>

Мамлакатимизга эса “қонун тили” түшүнчеси 1990 йиллардан кейин кириб келиб, бу соңада Республикасында эндигина илк ишлар амалга ошириляпти. Ўзбек юридик тили ва атамалари бўйича илмий тадқиқот ишлари йўлга қўйилмоқда.

1986 йилда М.Қосимова томонидан “Ўзбек юридик терминологиясининг таркибий тузилиши”, 1984 йилда Л.М.Бойко томонидан “Қонунчилик техникаси (назария ва амалиёт)”, 1991 йилда Л.А. Каримова томонидан “Тиллар тўғрисидаги қонунларнинг хуқуқий ва маънавий жиҳатлари”, 1995 йилда Ш.Н. Кўчимов томонидан “Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили” мавзуларида номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.<sup>6</sup>

Шунингдек, Ф.Абдумажидов, Ф.Аҳаёндәнниш, Ф.Ахмедов, Ҳ.Бектемиров, Б.Мамедов, Ҳ.Одилқориев, А.Сайдов, Л.Сайдова, Г.Саркисянц, С.Содиков, Ф.Сотимов, Й.Оаёсёв, Ҳ.Холмедов, М.Қосимова каби хуқуқшунос ва тилшунос олимлар томонидан ўзбек юридик тилига бағишлиланган бир қанча илмий рисола<sup>7</sup>, лугат<sup>8</sup> ва илмий-оммабоп мақолалар нашр этилди<sup>9</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида 2002 йил 25 майда “Ўзбектили: қонун ижодкорлиги амалиёти” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилиб, унда қонун ижодкорлиги жараёнида бир қанча муаммолар борлиги алоҳида таъкидланди.

Бирок миллий юридик тилни шакллантириш ва такомиллаштириш вазифаси шундай мураккаб жараёнки, уни чукур илмий-назарий жиҳатдан ўрганмасдан, истиқболли стратегик йўналишларни белгиламасдан туриб, бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди.

<sup>5</sup> Губаева Т.В. Словесность в юриспруденции. Автореф. докт. юрид. наук. -М.: 1997.; Власенко Н.А. Проблемы точности выражения формы права (лингво-логический анализ) Автореф. докт. юрид. наук. - Урал: 1997.

<sup>6</sup> Касымова М. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка. Дисс. ... канд. филол. наук. - Т.: 1986.; Бойко Л.М. Законодательная техника (теория и практика). Автореф. канд. юрид. наук. -Т.: 1984.; Каримова Л.А. Правовые и нравственные аспекты законов о языке. Дисс. ... канд. юрид. наук. - Т.: 1991.; Кычимов Ш.Н. Ызбекистон Республикаси =онунларининг тили. Филология фанлари номзоди.... диссертацияси. - Т.: 1996.

<sup>7</sup> Сайдов А., Саркисянц Г. Юридик тил ва ўшунос нут=и. - Т.: Адолат, 1994.; Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1999; Сайдов А., Кычимов Ш. +онун ва тил. - Т.: И=тисодиёт ва ўшунос нут=и. - Т.: Адолат, 1994.; Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1999; Сайдов А., Кычимов Ш. +онунчилик техникаси асослари -Т: Адолат, 2001.;

<sup>8</sup> Þðèëæè àòàìàèäð ââ èâîðàëèð ëó|àòè.-Ò.:Àäïëàò, 1993.; Áåðòâïèðñâ Ù., Õïëíåäâ Ù., Ñïâè=â Ñ. Ùó=ó=øóïñëèéêâ ïëâ ûçëàøìà òåðìèëèäð. -Ò.: Àäïëàò, 1999.; Ñïòëñâ /. Þðèëæè àòàìàèäðñâ ëïäëèç÷à-ðóñ÷à-ûçâåâ÷à ëó|àòè. -Ò.: Àäïëàò, 1998.; Àùïåäâ Ù., Áåðòâïèðñâ Ù. Ðóñ÷à-ûçâåâ÷à þðèëæè àòàìàèäð ëó|àòè. -Ò.:Àäïëàò, 2002.

<sup>9</sup> Ахмедов Г., Сайдов А. Терминология - это важно. // Народное слово, 1991, 16 август.; Абдумажидов /., Сайдов А. +онун ва давлат тили: муаммолар ва ечимлар // Туркистан 1992, 8 октябрь.; Абдумажидов /..А.. +онун тили ызбекчалашмо=да. // Щуррият., 1997.; Аáаóðàùíííá /. +ííóí èæíäéðëéä àà =ííóí òëèè óñëóáè // Ùó=ó. 2003. 11. Á.10-14.; Аáаóðàùíííá /. +ííóí òëèè àà =ííóí èæíäéñðëéä // +ííóí ùèlýùñèä. 2003. 11. Á.26-27.; Мамедов Б. +онун тили =андай былиши керак? // Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. - Т.: Инсон шу=у=лари быйича Ызбекистон Республикаси Миллий маркази, 1999. - Б. 103.; Сайдов А., +осимова М., Каримова Л. Ызбек шу=у=ий атамалари муаммолари. // Ызбек тили ва адабиёти, 1993, 2-сон.

Бундан ташқари, қонунчилик техникаси, қонун тили, қонунчилик услубияти - бу илмий изланишларнинг янги мустақил бир йўналишидир. Бу соҳа хуқуқшунослик ва тилшунослик билимларига оид фанлараро муаммодир. Бу йўналишдаги тадқиқотлар бир вақтнинг ўзида ҳам лингвистик, ҳам юридик билимларни тақазо этади.

Республикамида эса бу муаммони ҳал этишга хуқуқшунос ва тилшунос олимлар ўз фанлари нуқтаи назаридан ёндашадилар. Хуқуқшунос олимлар Л.М.Бойко ва Л.А. Каримоваларнинг юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияларида масалага фақат хуқуқий жиҳатдан ёндашилган бўлса, М.Х. Қосимова ва Ш.Н.Кўчимовларнинг филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияларида қонунчилик тили ва услубияти масалаларига фақат лингвистик нуқтаи назардан ёндашилган, холос.

Шунга кўра Республикаизда бу мавзуни бир вақтнинг ўзида ҳам хуқуқий, ҳам лингвистик жиҳатдан яхлит ҳолатда ўрганилган илмий тадқиқот ишлари яратилмаган, қонунчилик техникаси, қонун тилининг лингво-юридик хусусиятлари ишлаб чиқилмаган.

Шу нуқтаи назардан бу мавзуни бир вақтнинг ўзида ҳам юридик, ҳам лингвистик жиҳатдан тадқиқ этиш, унинг лингво-юридик хусусиятларини аниқлаш ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

**Тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари.** Мазкур тадқиқот ўзбек қонунчилик тили, услубияти, юридик атамашунослик масалаларини ҳам лингвистик, ҳам юридик жиҳатдан илмий-назарий таҳлил қилишни, унинг лингво-юридик қоидаларини аниқлашни мақсад қилиб қўяди. Ана шу талабдан келиб чиқиб тадқиқотда қўйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилади:

- тил тараққиётида хуқуқнинг тутган ўрнини кўрсатиш, хуқуқнинг ривожида тилнинг қандай муайян вазифаларни бажаришини қайд этиш;
- қонун тилининг дунё миқёсидаги тадрижий тарихини қисқача ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси қонунлари тили тараққиётини аниқлаш;
- амалдаги қонунларнинг қонунчилик техникаси талаблари даражасига қанчалик жавоб беришини ўрганиш ва бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиш;
- ўзбек қонунлари тилининг лингво-юридик хусусиятларини аниқлаш ва шу асосда қонун тилига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;
- ўзбек юридик атамаларининг тарихий тараққиётини ўрганиш;
- юридик атамаларнинг таснифий, шакл ва мазмун бирлиги билан боғлиқ муаммоларини илмий таҳлил қилиш;
- юридик атамаларининг ягона ифода шаклларини ишлаб чиқиш ва уларни барқарорлаштириш юзасидан тавсиялар бериш;
- хуқуқий амалиётда қонунчилик услубиятининг маҳсус бир соҳа сифатида шакллантириш йўлларини ўрганиш;
- фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини шакллантиришда қонун тили, қонунчилик услубияти ва юридик атамашуносликнинг аҳамиятини кўрсатиш;

- ўзбек қонунчилик техникасининг илмий-амалий қоидаларини ишлаб чиқиши асосида қонунларни сифат жиҳатдан такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар бериш;

- мамлакатимизда миллий юридик тил билан боғлиқ янги маҳсус фанлараро илмий йўналишга асос солиш ва унинг ўрганиш обьектини йўлга қўйиш юзасидан хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги.** Тадқиқот олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқкан ҳолда, мазкур диссертациянинг илмий жиҳатдан янгилиги қуидагиларда кўринади:

- тадқиқотда ёритилган масалалар кўлами ва уларнинг ёритилиш даражаси нуқтаи назаридан мазкур диссертация Ўзбекистон ҳуқуқшунослик ва тилшунослик фанларида миллий юридик тил билан боғлиқ янги маҳсус фанлараро илмий йўналишга асос солади;

- ушбу тадқиқотда илк марта ўзбек қонунчилик техникасининг долзарб муаммолари - қонун тили, қонунчилик услубияти, юридик атамашунослик масалалари яхлит ҳолатда, яъни ҳам ҳуқуқий, ҳам тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилди;

- тадқиқот ўзбек юридик тили, миллий қонунчилик техникаси, юридик атамашунослик, қонунчилик тили ва услубияти тараққиётининг истиқболли йўналишларини белгилаб беради ва айнан шу масалаларни келажакда илмий жиҳатдан ўрганувчи тадқиқотлар учун замин ҳозирлайди;

- тадқиқотда ҳуқуқ ва тилнинг алоқалари, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, тилнинг такомилида ҳуқуқнинг тутган ўрни ҳамда ҳуқуқнинг ривожида тилнинг вазифалари аниқланди. Бу масалаларнинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга, фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксалишига таъсири белгиланди;

- ўзбек қонунчилиги тили ва услубини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш асосида ўзбек қонунлари тилидаги муаммолар аниқланди, уларни ҳал этиш учун қонун тилига қўйиладиган талаблар ҳамда илмий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- тадқиқотда ўзбек юридик атамашунослигининг тарихи ва тараққиёти, юридик атамашунослик таснифи, уларда шакл ва маъно муносабатлари каби жиддий илмий-назарий масалаларни ўрганишга алоҳида эътибор берилди; бу борадаги муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилди;

- тадқиқотда қонунчилик услубияти масалаларини илмий жиҳатдан изчил таҳлил этишга ҳаракат қилинди; шунингдек, ўзбек қонунчилик техникасининг илмий-назарий қоидаларини ишлаб чиқиши асосида қонунларимизни сифат жиҳатидан такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Мазкур тадқиқот ишида, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик техникасининг илмий-амалий қоидалари ишлаб чиқилса, иккинчидан, ўзбек қонунлари тили, қонунчилик услубияти, ўзбек юридик атамашунослигининг лингво-юридик хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Диссертация асосида ишлаб чиқилган хулосалар ва амалий тавсиялар қонунчилик тизимини такомиллаштиришда, қонунларнинг сифат жиҳатидан мукаммал бўлишида муҳим аҳамият касб этади, қонунчилик техникаси

такомиллашувига доир тадқиқотларни яратишга замин ҳозирлаб, Ўзбекистонда миллий юридик тил билан боғлиқ янги маҳсус фанлараро илмий йўналишга асос солади.

Мазкур илмий иш қонун тузувчи мутахассислар учун маҳсус қўлланма вазифасини ўтайди. Шунингдек, юридик олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари учун юридик тил бўйича муҳим манба вазифасини ҳам ўтайди.

**Тадқиқотнинг манбалари.** Мазкур тадқиқотни яратишида Республикаизда ҳозирда амалда бўлган деярли барча қонунларни қонунчилик техникаси нуқтаи назарёдан тўла ўрганиб чиқишига ҳаракат қилинди. Диссертация олдига қўйилган илмий-назарий вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги, Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги, Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили хақидаги, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонунлар тадқиқотнинг асосий манбай бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, собиқ совет ҳокимияти йилларида (1920-1990) қабул қилинган кўпгина қонунлар ҳам тадқиқот доирасига киритилди.

**Тадқиқотнинг методологик асоси.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ватанимиз ривожланишининг бош йўналишини, стратегиясини белгилаб берувчи асарларида қайд қилинаётган хуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш, миллий истиқлол ғояларига доир фикрлари диссертацияга методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Бу мавзу хуқуқшунослик ва тилшунослик билан боғлиқ бўлган муҳим соҳа сифатида дунё олимлари томонидан ҳам пухта ўрганилган. Шу нуқтаи назардан мазкур тадқиқотни яратишида бу олимларнинг илмий-назарий қарашлари ҳам изчил ўрганилди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг тилшунос олимлари Ғ.Абдураҳмонов, М.Асқарова, С.Аширбоев, Б.Бафоев, Э.Бегматов, Ҳ.Бектемиров, А.Ҷаъонов, Н.Маҳкамов, Н.Маҳмудов, Ё.Тожиев, Ш.Шоабдураҳмонов, Б.Ўринбоев, М.Қосимова, А.Ҳожиев ҳамда хуқуқшунос олимлар Ғ.А.Абдумажидов, Ғ.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев, Л.М.Бойко, Ҳ.Одилқориев, Ҳ.Раҳмонқулов, А.Х.Саидов, У.Тожихонов, І.Ӯзбеков, Э.Халилов, Ш.Ўразаев, Ш.Шораҳмедовларнинг илмий асарлари мазкур тадқиқотга асос бўлиб хизмат қилди.

Бундан ташқари, мазкур тадқиқот ишини яратишида матн лингвистикаси билан билан боғлиқ маҳсус илмий-тадқиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди<sup>10</sup>.

Кўйилган муаммолар масалани атрофлича, чуқур илмий таҳлил қилишни, унга ҳозирги давр нуқтаи назардан ёндашувни талаб қиласи. Шунинг учун илмий билишнинг муаммоли-аналитик, тарихий, қиёсий- хуқукий, аниқ социологик тизими каби усулларидан фойдаланилди. Миллий юридик тил, юридик атамашунослик, қонунчилик услугбияти масалаларига алоҳида эътибор берилди.

**Тадқиқотнинг илмий жамоатчилик эътиборидан ўтиши.**

Диссертациянинг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация  
Комиссиясининг Ҳайъатида (1997 йил 24 июнь, 24F97-баённома) тасдиқланган.

Илмий иш юзасидан диссертант Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий конференцияларида (1996-2003) маъruzалар қилган.

Мазкур тадқиқот иши бўйича диссертант “Ўзбекистон Республикасида қонунчилик техникаси (тил, услуг, хуқуқий атамашунослик)” деб номланган монография эълон қилган. Бу илмий рисола республикамиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан юкори баҳоланган.<sup>11</sup> Бундан ташқари, тадқиқот иши бўйича А. Сайдов билан ҳаммуалифликда “Қонунчилик техникаси асослари”, А.Сайдов, Л. Сайдова, М. Қосимовалар билан ҳамкорликда “Қонун ва тил” рисолалари ҳамда ўттиздан ортиқ илмий мақолалар эълон қилинган.

Мазкур диссертация иши бўйича Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг “Халқаро хуқуқ“, “Халқаро муносабатлар” факультетларида, Тошкент Давлат юридик институтида 1997-98 ўқув йилидан бошлаб “Мутахассислик тили” деб номланган ўқув курси киритилган бўлиб, ўзбек юридик тили бўйича талабаларга таълим берилмоқда.<sup>12</sup>

Мазкур диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ўзбек тили ва Инсон ҳуқуқлари кафедраларининг кенгайтирилган йиғилишида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида, Ўзбекистон Республикаси ФА Тил ва адабиёт институтининг Ҳозирги ўзбек тили, Терминология, Ўзбек тили тарихи ва диалектология, Лексикология ва лексикография бўлимларининг қўшма йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

<sup>10</sup> Айнабаева И.О. "Академия языка и ее роль в языкоизучении". О.: Филол. фанлари докт. ... дисс. автореф. - Т.: 1993; Щакимов М.Х. Йызбек миллый матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари. О.: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. - Т.: 1993;

<sup>11</sup> Сайдов А.Х. +онун тили. // Щаёт ва =онун, 1997 № 8; Сайдов А.Х. Ызбек =онуншунослик тили муаммолари. // Хыжалик ва шу=у=, 1997, №7.; Мамедов Б., Тош=увов Ж. Тад=и=отнинг мушимлиги нимада. // Щаёт ва =онун. 1996 № 7; Хошимов Р. +онунчилик тили байича рисола. // Постда. 1996 йил, 13 сентябрь.

<sup>12</sup> Мамедов Б., Кычимов Ш. Мутахассислик тили. Тошкент Давлат юридик институти талабалари учун дастур. - Т.: Адолат, 1998.; Кычимов Ш. Мутахассислик тили. Жащон и=тисодиёти ва дипломатия университети хал=аро шу=у= факультети талабалари учун ы=ув дастури. - Т.: ЖИДУ, 1999.; Кычимов Ш. Мутахассислик тили. Жащон и=тисодиёти ва дипломатия университети хал=аро муносабатлар факультети талабалари учун ы=ув дастури. - Т.: ЖИДУ, 1999.

Шунингдек, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети, Ф.Хўжаев номли Бухоро Давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси қошидаги илмий семинарларда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия қилинган.

Муаллиф мазкур тадқиқотни амалга оширишда илмий маслаҳатчи бўлган филология фанлари доктори, профессор Н.М.Махмудов ва юридик фанлари доктори, профессор А.Х.Сайдовга ўз миннатдорчилигини билдиради.

**Тадқиқотнинг тузилиши.** Мазкур диссертация кириш, уч боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар, иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 290 саҳифани ташкил этади. Ишнинг ҳар бир боби ички қисмларга ажратилган. Ишнинг охирида мазкур илмий иш бўйича умумий хулосалар келтирилган.

## ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисми “Хуқуқ ва тилнинг бир-бирига ўзаро таъсири масалалари” деб номланган. Унда таъкидланадики, ҳар бир мамлакатнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этишида ҳуқуқ ва тил, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири ва улар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Аммо ҳуқуқ ва тил ўртасидаги муносабатларни аниқлаш ниҳоятда мураккабдир. Чунки улар, бир томондан, бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлса, иккинчи жиҳатдан эса улар бошқа-бошқа нисбатан мустақил соҳаларга тегишли бўлганлиги боис фарқли жиҳатлари мавжуд. Лекин шундай бўлса-да, Е.В. Васьковский, П. Верховский, А.А.Ушаков, Вильгельм Гумбольдт каби ҳуқуқшунос ва тишлинунос олимлар бу муносабатларни аниқлашга ҳаракат қилганлар. Тадқиқот ишида бу олимларнинг ҳуқуқ ва тил билан боғлиқ фикрлари ўрганиб чиқилиб, тил ва ҳуқуқ ижтимоий ҳаётда турли вазифаларни бажарса-да, лекин айrim ҳолатларда инсонларнинг хулқ-атворини бошқаришдек айнан бир хил фаолият учун ҳам хизмат қилиши таъкидланади. Шунингдек, тил тараққиётида ҳуқуқ жуда ҳам муҳим бўлган қўйидаги икки вазифани бажаради, деган хулосага келинади:

биринчидан, тилнинг ривожи учун зарур ҳуқуқий асос яратиш вазифасини бажаради;

иккинчидан, ҳуқуққа бошқа тиллардан атамалар кириб келиши ёки ички имкониятлар асосида янги юридик атамаларнинг яслиши натижасида тил лугат бойлигининг бойиш манбаларидан бири вазифасини бажаради.

Ҳуқуқ ва тилнинг ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлашда ҳуқуқнинг ривожида тилнинг қандай муайян вазифаларни бажариши масаласи ҳам ниҳоятда муҳимдир. Бироқ илмий адабиётларда ҳуқуқнинг ривожида тилнинг ўрни бекиёслиги таъкидланса-да, ҳуқуқнинг ривожида тилнинг қандай муайян вазифаларни бажариши аниқ ва тўла кўрсатилмаган. Бу масалаларга бағишинланган юридик адабиётларда шундай дейилади: “Тил ҳуқуққа нисбатан ўзаро алоқада бўлган икки муҳим вазифани бажаради. Биринчиси, тил - ҳуқуқшуноснинг

тафаккур юритиш қурулди; иккинчиси хуқуқшуноснинг амрини ижтимоий муносабат қатнашчиларига етказади”.<sup>13</sup>

Хуқуқнинг ривожида тилнинг вазифаларига берилган бу таъриф, бизнинг назаримизда, масаланинг моҳиятини тӯлалигича очиб бермайди. Чунки юқоридаги таъриф хуқуқнинг бутун мазмуни ва моҳияти нуқтаи назаридан эмас, балки кўпроқ қонунчилик нуқтаи назаридан берилган. Шунга кўра хуқуқнинг ривожида тилнинг бошқа бир қанча вазифалари ҳам мавжуд. Фикримизча, тил хуқуқнинг ривожланишида куйидаги бешта асосий вазифани бажаради: 1) қонун чиқарувчининг хоҳиш-иродасини ифодалайди; 2) хуқуқий нормаларни фуқароларга етказади; 3) хуқуқий тафаккур юритиш воситаси; 4) хуқуқшунослар ўртасида ўзаро фикр алмашиш воситаси; 5) хуқуқий билимларни авлодлардан-авлодларга етказиш.

Айниқса, бу вазифаларнинг ичидаги тилнинг қонун чиқарувчининг хоҳиши-иродасини ифодалаши ва хуқуқий нормаларни фуқароларга етказиши ижтимоий ҳаётда алоҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра хуқуқий нормаларнинг амалиётда қанчалик натижалар бериси қонуннинг сифатига, қонунчилик техникиаси талаблари даражасида ишлаб чиқилишига, унинг тил ва услугуб жиҳатидан мукаммал тузилишига чамбарчас боғлиқ.

Биринчи боб “Ўзбек қонунчилик техникаси ва қонун тили муаммолари” деб номланган. Бу бобда хуқукий ижодкорликда қонунчилик техникасининг тутган ўрни, унинг илмий-назарий қоидалари, қонун тилининг дунё миқёсидаги тадрижий тарихи, Ўзбекистонда “қонун тили” тушунчасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилади. Хуқукий ижодкорликнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири қонун ижодкорлиги бўлиб, у қонуншуносдан нафақат хуқукий билимларни, балки қонунчилик соҳаси бўйича маҳсус билим, малака ва кўнікмаларни эгаллашни, қонун ифода усулининг муносиб шаклларини ўйлаб топишни тақазо қиласди. “Қонун қабул қилиш жуда катта куч талаб этадиган қонун ижодкорлиги фаолиятининг сўнгги босқичидир. Айрим кодекслар, қонунлар билан юзаки танишган, соҳадан бехабар кишига ҳаммаси жуда оддий туюлиши, бундай баён ҳар бир кишининг кўлидан келадигандек кўриниши мумкин. Лекин аслида, ундан эмас. Тақиқлар, кўрсатмаларни ва талабларни қонунда ана шундай барчага тушунарли қилиб баён этиш қонун тайёрловчилардан узоқ вақт ва кўп меҳнат талаб қиласди”.<sup>14</sup>

Қонунчилик соҳаси билан боғлиқ бундай билимлар ҳуқуқшунослиқ назарияси ва амалиётида “қонунчилик техникаси” номини олган. Қонунчилик техникаси юқори даражада бўлиши қонунда ифодаланувчи ҳуқуқий норманинг ҳужжатларда аниқ ва равшан ифодасини топиш имконини беради, ҳуқуқий нормаларнинг нотўғри тушунилишига ёки турлича мазмунда тавсиф этилишига ёки шарҳланишига йўл қўймайди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ифода шаклининг муносиб кўринишларини ижод этишни таъминлади. Бу эса шу қонуннинг амалиётда қўллаш учун қулай бўлиш имконини беради.

<sup>13</sup> +аранг: Ушаков А.А. Содержание и форма в праве и советское правотворчество. Автреф... докт. юридик. наук. - Свердловск: 1970. -С.33.; Язык закона. - М.:Юрид. лит., 1990. - Б.8.

<sup>14</sup> Οἰασέοντι ὁ Ἀαρὰδ =ποτε ἐσέανα...// Ὁὐρό-ες ἀπειθαδεῖ επεινιδεάδ-Ο.: Ὑκαμεένοι· 1997. -Á. 49.

Професор Э.Х.Халилов мамлакатимизда қонунчилик техникаси билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжудлигини алоҳида қайд этади: “Ҳозирги пайтда айрим қонунлардаги камчиликлар уларни ишлаб чиқувчиларнинг етарли даражада тайёр эмаслиги туфайли вужудга келмоқда... . Олий Мажлиснинг аксарият депутатлари қонунчилик техникаси усусларини ҳалигача эгалламаганлар. Шунинг учун депутатларга қонунчилик техникаси қоидалари бўйича таълим бериш лозим”, - деб таъкидлайдилар. Шунингдек, Э.Х.Халилов ўз фикрини давом эттириб, депутатлар ва давлат хизматчилари, қонун лойиҳаларини тайёрловчи мутахассислар ва эксперталар учун қонунчилик техникасига бағишлиланган қўлланма яратиш лозимлигини, хукуқшунос ва тилшуносларнинг қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиётининг айнан шу жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратиши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтади.<sup>15</sup>

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда қонунчилик техникаси масалалари бўйича жиддий илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган эмас. Республика изда бу соҳага бағишлиланган ишлар ҳам асосан собиқ шўролар даври қонунчилик техникасига бағишлиланган.<sup>16</sup> Шунинг учун амалдаги хукуқий тизимни қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан жиддий тадқиқ этиш ва шу асосда ўзбек қонунчилик техникасини такомиллаштириш хукуқшунос ва тилшуносаримиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Тадқиқот давомида Ф. Жени, Р. Иеринг, С. Давин, Р. Лукач, А.Нашиц, И.Л.Брауде, Р. Книпер, Д.А. Керимов, А.С. Пиголькин, А.А.Ушаков М.Гродзинский, Т.В.Лях, А.Коренев, И.К.Ильин, Н.В.Миронов, В.Назарян, Ҳ.Т.Одилқориев, Б.А. Миренский, Л.М.Бойко каби олимларнинг қонунчилик техникаси бўйича хилма-хил фикрлари ўрганиб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, илмий адабиётларда қонунчилик техникасининг ўрганиш обьекти, қўлами турлича тавсиф қилинса-да, бизнинг фикримизча, қонунчилик техникасининг ўрганиш доирасига асосан қуйидаги масалаларни киритиш лозим: 1) норматив-хукуқий хужжатнинг номи, шакли ва тузилиши; 2) норматив-хукуқий хужжатнинг таркибий қисмлари; 3) норматив-хукуқий хужжат лойиҳаларини халқаро стандартлар даражасида ҳар жиҳатдан пишиқ ва пухта тайёрлашнинг ташкилий-методик масалалари; 4) норматив-хукуқий хужжатларга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш усусларини ишлаб чиқиш; 5) норматив-хукуқий хужжат лойиҳалари матнини тузишнинг асосий талабларини аниқлаш; 6) норматив-хукуқий хужжат лойиҳаларида хукуқий нормаларнинг ифода этилиш усули; 7) қонунчилик услубияти; 8) қонун тили; 9) юридик атамашунослик; 10) норматив-хукуқий хужжатларни бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилиш; 11) қонуннинг номланиши; 12) миллий хукуқий анъаналаримиздан келиб чиқсан ҳолда, шариат қонунларининг тузилиши, таркибий қисмлари, тили ва ифода усусларини жиддий тадқиқ этиш асосида уларнинг илғор жиҳатларини бугунги ўзбек қонунчилик техникасига ўзлаштириш.

Қонунчилик техникасининг асосий масалаларидан бири қонун тили бўлиб, у ўзининг узоқ асрлик тарихига эга. Қадимги даврларда бошлаб айрим олимлар юридик тил ҳақида маълумот берганлар. Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Наср

<sup>15</sup> Халилов Э.Х. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан. Автореф. дисс. ... доктор. юрид. наук. -Т: 2000. -С.28-29.

<sup>16</sup> +àðàíä: Бойко Л.М. Законодательная техника (теория и практика). Автореф. канд. юрид. наук. -Т.: 1984; Бойко Л.М. Совершенствование законодательной техники в условиях ускорения социально-экономического развития советского общества.- Т.:Фан, 1988.

Форобийнинг “Талхису навомиси Афлотун” (Афлотун қонунлари моҳияти) номли асарида қонунларнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида Платон томонидан ёзилган асарга батафсил шарҳ берилади. Бу асарда таъкидланишича, Платон қонунларнинг тили масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, бу ҳақда шундай ёзади: “Соҳиби қонуннинг ҳар бир гурӯҳ одамларга мурожаати тушунарли бўлиши лозим. Бунинг учун қонун чиқарувчи одамларнинг идрок этиш имкониятларини хисобга олиши керак, токи одамлар уни тушунсинлар. Чунки одамларга бирор нарсани тушуниш ва амалда қўллаш қийин бўлиши мумкин. Тушунмовчилик бундай соҳиби қонундан воз кечишга туртки ва ағдариб ташлашга сабаб бўлиши мумкин”.<sup>17</sup> Шунингдек, Аристотел ҳам ўз асарларида юридик тил, унинг ўзига хос табиати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган.<sup>18</sup>

Эрамизнинг I-III асрларида эса қонун тилининг юксак намунасини Рим ҳуқуқида кўриш мумкин. Бу даврда Рим ҳуқуқшунослари ҳуқуқий билимларни ривожлантириш билан бирга қонун тили, унинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги ҳам мукаммал маълумотга эга бўлганлар.<sup>19</sup> Улар қонунларни аниқ ва қисқа, қонун тузиш талабларига тўла риоя қилган ҳолда тузганлар, ҳуқуқий нормаларни равшан, тиник, тушунарли бўлишига асосий эътиборни қаратганлар. Шунинг учун ҳам бу хусусиятлар Рим қонунчилигининг устун томони хисобланади.<sup>20</sup> Бу қонунлар ҳали ҳалигача ўзининг пухта ва пишиқлиги билан қонунчиликнинг энг юксак намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам кўплаб буюк даҳолар, саркарда ва подшолар ўз қонунлари ва кодексларига Рим қонунчилик услубини асос қилиб олганлар ва ўз қонун тузувчиларидан Рим қонун тузиш услубиятини ўрганишни, унинг энг муҳим зарур жиҳатларини англашни талаб этганлар. Жумладан, Петр I ўз қонунларига, Наполеон ўз кодексларига Рим қонунчилик техникасини ижодий ўзлаштириб, қонунларини шу давр нуқтаи назаридан мукаммал тузишга эришганлар<sup>21</sup>.

Айниқса, қонун тили XУ11-XУ111 асрларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан жуда чукур ўрганилган. Буюк француз олими Ш. Л. Монтескьенинг “Қонунларнинг руҳи”, инглиз ҳуқуқшунос олими И.Бентам “Номография” номли асарларида қонун тили масаласига алоҳида тўхталиб ўтишган. XIX асрда немис ҳуқуқшунос олимлари Р.Иеринг ва А. Штосслар қонун тили масаласига алоҳида эътибор қаратиб, унинг илмий-назарий қоидаларини ишлаб чиқишига муносиб хисса қўшганлар.

Тадқиқотда Шарқ ҳуқуқий ижодкорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, Ману ва Хаммураппи қонунларига, мұқаддас Қуръони карим тилига юқори баҳо берилади. Бу қонунларнинг тилига сабиқ шўролар даврида айрим ҳуқуқшунос олимлар, жумладан И.М.Волков, А.А.Ушаковлар томонидан салбий баҳо берилганлиги, лекин бу фикрлар нотўғри эканлиги диссертацияда далиллар билан исботланади.

Тадқиқот ишида Ўзбекистонда қонун тили тараққиётига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги муаммолар изчил тадқиқ этилади, бу муаммоларнинг

<sup>17</sup> Ааб Íаñð Ôîðiâéé. Ôîçèë ïäàìëåð ðàùñðè. -О: Аáäöëë +ïäèðèé ììèäàæ ðàë= ïåðññè, 1993. - А.24.

<sup>18</sup> Античные теории языка и стиля. - М.: 1936. - С.188.

<sup>19</sup> Люблинский П.И. Техника, толкование и казуистика уголовного кодекса.- П.:1917.-С.9.

<sup>20</sup> Римское частное право. - М.: 1949.; Всеобщая история государства и права. I ч. Древний мир. Вып. II. Древний Рим. - М.: 1949.

<sup>21</sup> Жени Ф. Революция права // 1929. № 2. -С.14.

сабаблари аниқланади. Ўзбек юридик тили собиқ шўролар даврида таржима воситасига айланганлиги, марказ томонидан жўнатилган норматив-хукукий хужжатлар номигагина ўзбек тилига таржима қилинганлиги алоҳида таъкидланади.

Ҳатто собиқ иттифоқ даврида қонунларни миллий тилларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда эркин таржима қилишга ҳам йўл қўйилмаган. Бунинг илмий-назарий қоидалари ҳукуқшунос олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Жумладан, профессор А.С.Пиголькиннинг ёзишича: “Норматив-хукуқий хужжатларни расмий таржима қилиб қайта нашр этишда уларнинг матнини ўзгартиришга (?), атамаларни изоҳлаш ва алмаштиришга (?), жумлалар қурилишини ўзгартиришга (?) ва бошқа таҳририй ишларни амалга оширишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, матннинг ўзгартирилиши ва яхшиланиши (?) таржима қилинган хужжатнинг сифатини туширади, таржимоннинг масъулиятини пасайтиради”<sup>22</sup>.

А.С.Пиголькиннинг бу фикрини ўқиб, қандай қилиб матнни ўзгартирмасдан, атамаларни изоҳламасдан ва алмаштирмасдан, жумлалар қурилишини ўзгартирмасдан қонунни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиб бўлади? деган табиий бир савол туғилади. Ваҳоланки, ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос табиати, хусусиятлари мавжуд. Айниқса, бошқа-бошқа тиллар оиласига кирувчи рус ва ўзбек тилларнинг лексик-грамматик қурилиши бир-биридан фарқ қиласиди.

Афсуски, собиқ шүролар даврида қонунлар шу принцип асосида таржима қилинди. Шунинг учун ҳам ўзбек тилига ўғирилган қонун матнлари тушунарсиз, тўмтоқ жумлаларга айланниб қолган. Тадқиқот ишида собиқ шүролар даврида амалда бўлган қонун матнларидан кўпдан-кўп мисоллар келтирилади.

Маълумки, ҳар бир услуб ўзидан олдинги ифода шакллари орқали иш юритади. Шунинг асорати ўлароқ бугун миллий истиқлол ғояларига хизмат қилувчи, юридик нуқтаи назардан умумэътироф этилган халқаро хукуқ принциплари ва нормаларига тўла жавоб берувчи қонунларимизнинг ифода усулларида айрим муаммолар мавжуд.

Бу муаммоларни ҳал этиш, қонунларни сифат жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёrlаш тўғрисида”, “Норматив-хўқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”, “Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунларда қонун тилининг хўқукий асослари мустаҳкамлаб қўйилган<sup>23</sup>. Мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг тили ана шу талабларга тўла жавоб бериши лозим.

Миллий истиқолол ўзбек қонунчилигининг тили истиқболи, илмий-назарий қоидаларининг фундаментал асосда чуқур ўрганилиши учун тамоман янги бир даврни бошлаб берди. Тадқиқот ишида мустақилликдан сўнг ҳуқуқшунос олимлар

<sup>22</sup> Научные основы советского правотворчества. Под ред. Р.О.Халфиной. --М.: Наука, 1981. - С.305.

<sup>23</sup> “Ùçáåéèñòí Ðåññóáéèñà è =ííóíéàðé è òàé, ðëäø ôù|ðèñèää” à è =ííóíéï 20-ìñääñè, “Íïðìàòèäùó=ó=éè ùóäæàðëä ðù|ðèñèää” à è =ííóíéï 19-ìñääñè Ùçáåéèñòííà =ííóí ðëëèééï ùó=ó=éè àññèäðé è ååéèñà ååðäåí.

F.Абдумажидов, F.Аҳмедов, А.Саидов, Ҳ.Одилқориев, Л.Саидова, тилшунослар F.Аабдоғалиев, Ҳ.Бектемеров, Б.Мамедов, F.Сотимов, М. Қосимовалар томонидан бир қанча ишлар амалга оширилганилиги алоҳида қайд этилади.

Тадқиқотда ўзбек қонунларининг тили бўйича барча илмий-тадқиқот ишлари, яратилган илмий рисола ва мақолалар батафсил ўрганиб чиқилиб, хорижий давлатларда (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция) қонунларининг тили юзасидан олиб борилган ишлар билан қиёсланади ва шундан келиб чиқкан холда, ўзбек қонунларининг тили ҳали деярли ўрганилмаган илмий муаммо деган хуносага келинади. Бундай ҳолатнинг сабаблари қуйидагилардан иборат: биринчидан, бу собиқ шўролар тузуми асорати бўлса; иккинчидан, қонун тилининг ҳам юридик, ҳам тилшунослик фанлари доирасига тегишли мураккаб бир илмий йўналиш эканлигидир. Тадқиқотлар бир вақтнинг ўзида ҳам юридик, ҳам лингвистик билимларни талаб қиласди. Амалиётда эса, афуски, хуқуқшунослар етарли даражада лингвистик билимлардан хабардор бўлмаганилиги сабабли қонун ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларни аниқ, содда, тушунарли тарзда ёзиш керак деган умумий фикрдан нарига ўта олмайдилар. Ўз навбатида, тилшунослар эса юридик билимлардан хабарсиз бўлганлиги боис қонунларни ёза олмайдилар, қонунчилик техникасини билмайдилар.

Айнан шу нуқтаи назардан тадқиқотда Германия, Франция, Швейцария каби мамлакатларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги ижобий тажрибалар ўрганилиб, уларда қонун лойиҳалари хуқуқшунос ва тилшунос олимлар томонидан ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқилиши, тилшунослар томонидан экспертизадан ўтказилиши, қонун лойиҳаларини тайёрловчи мутахассисларга қўйиладиган талаблар изчил тадқиқ этилади.

Шунингдек, тадқиқот ишида хорижий мамлакатларнинг, хусусан, АҚШнинг Иллинойс ва Чикаго университетларида, Англия, Швеция каби давлатларнинг олий юридик таълими тизимида хуқуқшунос кадрларнинг тил тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилиши, ҳар бир талаба махсус тил тайёргарлигидан ўтиши, тил фани билан боғлиқ “Нутқ ўрганишга кириш”, “Юридик нутқ”, “Суд нотиқлиги”, “Судда нутқ сўзлаш ва ҳақиқат муаммолари”, “Ёзма нутқ”, “Оммавий муомала нутқи”, “Сиёсий нутқ”, “Ижтимоий нутқий муомала”, “Баённомалар (протоколлар) таҳлили”, “Нутқ мактаби” каби 45 дан ортиқ махсус ўкув курслари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар берилади.

Бу соҳада Россияда ҳам охирги ўн йил ичида қонунчилик лингвистикаси, юридик тил ва юридик нутқ билан боғлиқ янги бир илмий йўналиш қарор топаётгани, айнан шу соҳа билан боғлиқ ўкув курслари Россия олий юридик таълими тизимида киритилаётгани таъкидланади. Ҳатто Россиялик хуқуқшунос олимлар томонидан миллий юридик тилни доимий такомиллаштириш мақсадида “12.00.01 - давлат ва хуқуқ тарихи ва назарияси; сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихи” мутахассислиги таркибига “Юриспруденцияда сўз санъати” (“Словесность в юриспруденции”) номли янги илмий йўналишни киритиш таклифлари билдирилмоқда.<sup>24</sup>

<sup>24</sup> +аðaïä: Ҳóáàåâà Ӯ.Â., Ӣæéêâ Â.İ. ñéîâåññöü â þðèñïðóåíöèè êâè ó÷åáíâý äèñöèëëéâ // Ҳñóäàðñðâî è iðââî, 1996. 12. N.108-116.

Тадқиқот ишида хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда миллий юридик тил билан боғлиқ маҳсус бир илмий йўналишни қарор топтириш лозимлиги, бу соҳа билан боғлиқ ўқув курсларини мамлакатимиз олий юридик таълим тизимиға жорий этиш зарурлиги алоҳида қайд этилади.

Тадқиқотда қонун тилининг мазмун ва моҳиятини ва унинг ўзига хос белгиларини аниқлаш мақсадида ҳуқуқшунос а̀а ө̀ёөօ́ііл олимлар Т. Гизберта-Струдницкий, Б. Врублевский, А.С. Пиголькин, Ф. Абдумажидов, Ф.Ааәобдайііл, А.Х.Саидов ва Г.П.Саркисянцларнинг қонун тили ҳақидаги фикрлари ўрганиб чиқилиб, қонун тили юзасидан муҳим холосаларга келинади.

Қонунчилик техникаси, қонун тили масалаларига бағишлиб ёзилган илмий юридик адабиётларда қонун тилининг мазмун ва моҳиятига умумий тавсиф берилса-да, бироқ унинг энг муҳим белгилари яхлит ҳолатда ишлаб чиқилганича йўқ. Шу нуқтаи назардан тадқиқот ишида қонун тилининг ўзига хос лингво-юридик белгилари ишлаб чиқилади. Улар куйидагилар: 1.Расмийлик; 2.Нейтралийлик; 3.Қатъийлик; 4.Аниқлик; 5.Қисқалик; 6.Мантиқий изчиллик; 7.Йўлловчилик (динамиклик); 8.Шахссизлик; 9.Қолиплашганлик.

Қонун тилига бағишлиб ёзилган илмий юридик адабиётларда қонун тили ва унинг ўзига хос жиҳатлари каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади, қонун тили муаммосини чуқур илмий асосда ўрганиш лозимлиги таъкидланади. Лекин қонун тилига қўйиладиган талаблар шу пайтгача яхлит ҳолатда аниқ ишлаб чиқилмаган. Ҳуқуқшунос олимлар фақатгина қонун тилининг аниқ, равshan, тушунарли, содда ва лўнда бўлиши лозимлиги каби умумий фикрлар билан чекланишади, холос.<sup>25</sup>

Қонун тилига қўйиладиган талаблар, бизнинг фикримизча, қонун тили ва унинг юкоридаги ўзига хос белгиларидан келиб чиқиб аниқланиши лозим. Қонун тилига қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардан иборат:

1. Ҳар қандай норматив-хуқуқий ҳужжат матни расмий, қатъий ва, ўз навбатида, нейтрал ифодаланган бўлиши керак, унда услубий бўёқдорликка йўл қўйилмаслиги лозим;

2. Норматив-хуқуқий ҳужжат матни энг юқори даражада (максимал) аниқ ифодаланиши керак, қонун тилидаги ҳар бир сўз фақат биргина маънени бериши, унда кўп маъноли сўзлар, омонимлар ишлатилмаслиги лозим;

3. Қонун матнини тузишда мумкин қадар атамалардан кенг фойдаланиш лозим. Бунда атамаларни тўғри қўллай билишга, атамалар синонимияси, омонимияси ва полисемиясига йўл қўйилмасликка алоҳида эътибор бериш керак;

4. Норматив-хуқуқий ҳужжат матни шу тилнинг фонетик, лексик ва грамматик қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, мумкин қадар қисқа, содда ва лўнда бўлиши зарур;

5. Норматив-хуқуқий ҳужжатда ифодаланаётган фикрлар мантиқий кетма-кетлик асосида изчил баён этилиши, мазмунан тўлиқ бўлиши лозим;

<sup>25</sup> +аранг: Язык закона. - М.: Юрид. литература, 1990.; Керимов Д.А. Законодательная техника. - М.: Наука, 2000. -С.61. Научные основы советского правотворчества. Под редакц. Р.О. Халфиной. - М.:Наука, 1981. -С. 290-303.; Ушаков А.А. Очерки советской законодательной стилистики, - Пермь, 1967.; Савицкий В.М. Язык процессуального закона. - М.:Наука, 1987.; Саидов А., Саркисянц Г. Юридик тил ва шу=у=шунос нут=и. - Т.: Адолат, 1994; Саидов А.,Саидова Л., Кычимов Ш., +осимова М. +онун ва тил. - Т.: И=тисодиёт ва шу=у= дунёси, 1997.

6. Қонун тилининг қолиплашганлик белгисидан келиб чиқсан ҳолда норматив-хуқуқий хужжатда акс эттирилаётган фикрларни мумкин қадар олдиндан мавжуд бўлган (қолиплашган) маълум бир лисоний бирликлар асосида ифодалаш тамойилига амал қилиш керак;

7. Норматив-хуқуқий хужжат матнини тузишда хуқуқшунос мутахассислар яхши тушуниши нуқтаи назаридан эмас, балки барча фуқароларнинг идрок этиш имконидан келиб чиқиб тузилиши зарур.

Шундан сўнг амалдаги қонунларнинг бу талабларга қанчалик жавоб бериши масаласи илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилади, таъкидланадики, норматив-хуқуқий хужжат матнида расмийлик, аниқлик, қатъийлик, нейтралликни таъминлашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Шундай усуллардан энг асосийси қонун тилининг сўз танлаш мезонини белгилашдир. Қонун тили умумадабий тил доирасида иш кўрса-да, ундаги барча сўзларни қабул қиласкермайди.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасида қонун тилининг бундай илмий хусусиятлари алоҳида хуқуқий норма сифатида киритилган бўлиб, унда шундай дейилади: “Эскирган ҳамда кўп маънени англатадиган сўз ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди”. Қонун тилининг бундай хусусиятлари умуммажбурий норма сифатида ифодаланишини қонунчилигимиздаги ижобий жиҳатлардан бири сифатида баҳоламоқ керак. Ҳақиқатан ҳам, қонун матнида эскирган ҳамда кўп маънени англатадиган сўз ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар ишлатилиши унинг аниқлик, расмийлик, қатъийлик, нейтраллик талабларига путур етказади.

Бундан ташқари, қонун тилида қўйидаги сўзларнинг ҳам ишлатилиши мақсадга мувофиқ эмас:

1.Айрим хуқуқий тушунчаларнинг умумадабий тил нормасига кирмаган ҳалқ тилидаги вариантлари: *прокурор* - қораловчи; *адвокат* - оқловчи; *судья* - ҳакам; *жабрланувчи* - жабрдийда; *озодликдан маҳрум этмоқ* - кесмоқ; *афв* *этмоқ* - оқламоқ; *аноним хати* - юмалоқ хат; *қамоқ* - турма; *номусга тегииш* - зўрлаш; *сушиқасд қилиши* - ўлдирмоқчи бўлиши кабилар;

2. Эскирган сўзлар: қози (*судья*), муддаи умуми (*прокурор*), тузук (*кодекс*), тилмоч (*таржимон*), фирмә (*партия*), жумҳурият (*республика*), байналхалқ (*байналмилал*), мирза (*котиб*), синовчи (*эксперт*) кабилар.

3. Оғзаки сўзлашувга хос сўзлар: *шарманда қилиши* кабилар.

4. Жаргонлар: *лой* (*пул*), *соқقا* (*пул*), *кўк* (*валюта*) кабилар;

5. Поэтик лексика: *ораз*, *жамол*, *жилвакор*, *париваш*, *сулув*, *васф*, *таъзим*, *илҳом париси*, *шабада* кабилар;

6. Шевага хос сўзлар: *момо*, *маяк*, *тегра*, *така*, *ўжак*, *шоти*, *эна* кабилар;

Қонун тилига қўйиладиган энг муҳим ва асосий талаб аниқликдир. Сўнгги йилларда қонунларимиз матнида аниқликни таъминлаш мақсадида Парламентимиз томонидан қўпгина чора ва тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунинг натижасида Конституциямизда аниқлик тўла таъминланган. Конституцияни ифода усули нуқтаи назаридан кузатсак, унда хуқуқий нормалар нихоятда аниқ ва равshan берилганлигини, ҳар бир сўз ўз ўрнида ишлатилганлигини, гаплар нихоятда содда ва қисқа тузилганлигини, бирор бир

тушунарсиз жумла йўқ эканлигини кўриш мумкин. Шунга қўра Конституция нафақат юридик жиҳатдан, балки ифода усули жиҳатидан ҳам бошқа қонунларга асос, намуна бўлиши лозим.

Бироқ бу фикрни барча қонунларга нисбатан айтиб бўлмайди. Айрим қонун хужжатларидағи ҳуқуқий нормаларни ифодалашда фикрларнинг аниқ ва равшанлиги етишмайди. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 18-моддасига эътибор беринг.

### *18-модда. Зарурий мудофаа*

*Уибу кодексда ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурий мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини гайриҳуқуқий тажсовузлардан шундай тажсовуз қилаётган шахсга зарар етказиши йўли билан ҳимоя қилиши вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди.*

Бу моддани тушуниш бирмунча оғир. Юристлар учун бу қийин эмасдир. Лекин оддий фуқаролар учун уни тушуниб, ижтимоий ҳаётда кўллаш бир қанча мураккабликларни юзага келтиради. Энди, шу модданинг рус тилидаги шаклига эътибор беринг:

### *Статья 18. Необходимая оборона*

*Не являются административным правонарушением действия, предусмотренные настоящим Кодексом или другими нормативными актами, устанавливающими административную ответственность, но совершенные в состоянии необходимой обороны, то есть при защите личности или прав обороняющегося либо другого лица, интересов общества и государства от противоправного посягательства путем причинения посягающему вреда, если при этом не было допущено превышения пределов необходимой обороны.*

Кўриниб турибдики, бу ҳуқуқий норманинг ўзбек тилидаги шаклига нисбатан рус тилидаги шакли бир мунча аниқ ва равон тайёрланган, фикрлар содда қурилган. Бу эса уни қўлловчилар учун бирмунча енгиллик туғдиради, ўз навбатида, шу тилда фикрловчи ва сўзлашувчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ҳам юқори бўлиши учун муҳим омил вазифасини ўтайди.

Гап шундаки, ҳозир ҳам кўпгина қонунлар дастлаб рус тилида тайёрланиб, сўнгра ўзбек тилига ўгирилмоқда. Таржима жараёнида эса собиқ шўролар давридан қолган юқоридаги принципларга амал қилинмоқда. Юқоридаги модда ҳам шу принципга асосланган ҳолда таржима қилинган. Аслида бундай мураккаб ҳуқуқий нормаларга ижодий ёндашиб, ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларидан келиб чиқсан ҳолда бир неча гапларга бўлиб, қуйидагича соддагина қилиб бериш мумкин эди:

### *18 - модда. Зарурий мудофаа*

*Уибу Кодексда ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди.*

*Зарурий мудофаа деганда шахс ўзининг ёки мудофааланувчи бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ва давлат манфаатларини гайрихуқуқий тажсовузлардан тажсовуз қилувчи шахсга зарар етказилий йўли билан ҳимоя қилиши тушунилади. Бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетмаслик лозим.*

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигига эришиб, ўзбек тили давлат тили мақомини олган бир пайтда ҳам айрим қонунлар рус тилида тайёрланиб, кейин ўзбек тилига таржима қилиниши қонун ижодкорлиги фаолиятидаги салбий ҳолат сифатида баҳоланади. Бу, биринчидан, қонунларнинг ноаниқ ва ғализ тилда тузилишига сабаб бўлаётган бўлса, иккинчидан айнан бир ҳуқуқий норманинг рус ва ўзбек тилларида шакллари бир-бирига мос келмаслик ҳолатларига олиб келмоқда. Тадқиқотда бундай ҳолатларга кўп мисоллар келтирилади. Жумладан, Фуқаролик кодекси 385-моддасининг рус ва ўзбек тиллардаги қуйидаги шаклларига эътибор беринг:

*В случае изменения или расторжения договора обязательства считаются изменёнными или прекращёнными с момента заключения соглашения сторон об изменении или о расторжении договора, если иное не вытекает из соглашения или характера изменения договора, а при изменении или расторжении договора в судебном порядке - с момента вступления в законную силу решения суда об изменении или расторжении договора.*

Шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилинган тақдирида, агар келишувдан ёки шартномани ўзгартириши хусусиятидан бошқача тартиб англашилмаса, тарафлар шартномани ўзгартириши ёки бекор қилишига келишган пайтдан бошлаб, шартнома суд тартибида ўзгартирилган ёки бекор қилинганида эса суднинг шартномани ўзгартиши ёки бекор қилиши ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб мажбуриятлар ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

Агар бу гапларни сўзма-сўз бир бирига таққосланса, рус тилидаги с момента заключения соглашения сторон об изменении или о расторжении договора жумлалари ўзбек тилига тарафлар шартномани ўзгартириши ёки бекор қилишига келишган пайтдан бошлаб деб таржима қилингандигини кўриш мумкин. Яъни заключения соглашения бирикмаси ўзбек тилига оддийгина қилиб келишиши деб таржима қилинган. Маълумки, заключения соглашения ва келишиши бир хил маънени англатмайди. Заключения соглашения - бирор масала бўйича тузилган ва нотариус ёки бирор ваколатли идора томонидан тасдиқланган маҳсус юридик хужжат маъносини беради. Келишиш эса юридик кучга эга бўлган маҳсус битим тузиш маъносини бермасдан, балки шунчаки оғзаки келишув маъносини ифодалайди.

Таржимон томонидан арзимас деб ҳисобланган бир сўзнинг тусириб қолдирилиши амалиётда кўпдан кўп тушунмовчиликларга олиб келади. Жумладан, амалиётда юқоридаги ҳуқуқий норманинг рус тилидаги шаклини қўллаётган фуқаро маҳсус битим тузади. Айнан шу модданинг ўзбек тилидаги

шаклини қўллаётган фуқаро эса маҳсус битим тузмасдан, шунчаки оғзаки келишибгина қўя қолади, холос<sup>26</sup>.

Норматив-хуқуқий ҳужжат матнида ўта аниқликни таъминлашнинг бир қанча усувлари мавжуд. Шундай самарали усувлардан асосийси - хуқуқий нормани кичик-кичик гапларга бўлиб берилиши, гапларнинг максимал даражада қисқа ва содда тузилишидир. Гаплар қанчалик қисқа ва содда тузилса ҳамда унда ортиқча сўзлар бўлмаса, шу хуқуқий норманинг фуқаролар томонидан тушунилиши шунчалик осон кечади. Бу эса қонуннинг амалиётда самарали натижалар беришини таъминлайди.

Шунинг учун ҳам бутун дунё қонун ижодкорлиги фаолиятида хуқуқий нормаларни ифодалашда хуқуқий нормаларни дона-дона акс эттириш, гапларни ниҳоятда содда тузиш принципига амал қилинади. Хуқуқий нормаларни ифодалаш ишининг ўта мураккаблиги, бевосита ўзбек тилида қонун яратувчи тажрибали мутахассисларнинг етишмаслиги сабабли юқоридаги принцип ҳали ўзбек қонунларининг тилида тўла ўз аксини топгани йўқ.

Тадқиқот ишида Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги қонунда 13 та модда мавжуд бўлиб, унда ҳаммаси бўлиб 36та гап ишлатилганлиги, бу гаплардан: учтаси 8 та сўздан; олтитаси 30 га яқин сўзлардан; бештаси 50 га яқин сўзлардан; йигирма иккитаси 50-140 та сўзлардан ташкил топганлиги жадвал асосида ишлаб чиқилади.

Шундай қилиб, Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги қонун тили қисқа ва соддалик принципига жавоб бера олмайди. Айрим гапларнинг 100дан ортиқ сўзлардан ташкил топиши хуқуқий нормаларнинг фуқаролар томонидан тушунишини анча қийинлаштиради. Кўпчилик фуқаролар бу гапда нима дейилаётганини тушуниб ола олмайди ҳам.

Шу боис қонунлардаги айрим хуқуқий нормалар тилининг қисқа ва соддалик принципига жавоб бера олмаётганини ҳисобга олиб, “Ўзбекистон Республикаси Қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига, “Ўзбекистон Республикаси Норматив-хуқуқий ҳужжатлари тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасига норматив-хуқуқий ҳужжат матни қисқа, содда ва лўнда тузилиши лозимлиги қоида сифатида киритилиши лозим.

Қонун тилида аниқликни таъминлаш ҳамда фуқаролар томонидан хуқуқий нормаларни тез ва осон илғаб олишнинг яна бир муҳим усули - барча қонунлар

<sup>26</sup> Тад=и=от ишида =онун таржимашунослиги билан бо\ли= бундай мисоллар кыплаб келтирилади. Шундан келиб чи==ан ўзларни таъкидланадики, бугунги кунда юридик таржимашунослик масалалари илмий-назарий жиҳатдан алоцида ырганишга нишоятда муштож. Мамлакатимизда бош=а сощаларнинг таржимашунослиги быйича анча-мунча ишлар =илинган. Жумладан, бадий таржима санъати быйича бир =анча илмий тад=и=от ишлари ўзларни таржимоннинг машорати каби масалалар ўзларни таржима этилади. Лекин юридик таржимашунослик масалаларига мамлакатимизда ўз=у=шунос ва тишлинос олимлар томонидан алоцида ащамият берилиши, бу сощада кыплаб илмий-тад=и=от ишларини йилга =йиши ма=садга мувофи=.

учун умумий бўлган ҳуқуқий нормаларни ифодалашда олдиндан мавжуд бўлган лексик-грамматик қолипни сақлаш анъанасидир.

Бутун дунё ҳуқуқий ижодкорлик фаолиятида шундай тажриба мавжудки, мамлакат Конституциясидаги бирор бир ҳуқуқий норма қандай ифодаланган бўлса, бошқа қонунларда ҳам айнан шу ҳуқуқий нормани ифодалашда конституциядаги мантиқий изчиллик, ифода усулини сақлаб қолишга харакат қилинади.

Қонун ижодкорлиги фаолиятида айнан шу принципни таъминлашда бир қанча муаммолар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонуннинг қуидаги моддаларига эътибор беринг:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонун
18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.	2-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқишиларидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Кўринадики, иккала қонунда ҳам бир хил ҳуқуқий норма ифодаланган. Лекин уларнинг ифода усули бир-биридан фарқ қиласи. Бу ҳуқуқий норма Конституцияда ҳаммаси бўлиб 29 та сўз орқали ифодаланган бўлиб, бирорта ортиқча сўз ишлатилмаган. Ҳуқуқий нормани тузишда ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларига тўла риоя қилинган. Шунинг учун ҳам бу модда ўта аниқ ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонунда эса бу ҳуқуқий норма ҳаммаси бўлиб 33 та сўз орқали ифодаланган бўлиб, бунда ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатилган деб бўлмайди. Жумладан, динга муносабати бирикмасидаги муносабати сўзи ортиқча бўлиб, шу тушунчани Конституциядаги сингари дини сўзи билан ифодалаш мумкин эди. Шунингдек, бу моддада *сажсия* сўзининг ишлатилиши билан қўпол хатоликка йўл қўйилган.<sup>27</sup> Матнда лингвистик нуқтаи назардан лексик-грамматик тавтология ҳам юз берган. Жумладан, ҳолати сўзи икки марта ишлатилган. Ваҳоланки, шу сўзни бир марта ишлатиш ҳам мумкин эди. Бу моддада грамматик қўшимчаларни ишлатишда ҳам услубий жиҳатдан хатоликка йўл қўйилган. Матнда *машғулотининг тури ва сажсияси ҳамда бошқа ҳолатлардан* қатъий назар, қонун олдида *тенгдирлар* дейилганда *ҳолатлардан* сўзида қўплик қўшимчасидан сўнг учинчи шахс эгалик қўшимчаси (-и) ни тушириб қолдирилган. Бундан ташқари, матнда чиқиш келишигининг қўшимчаси (-дан) 7 марта (келиб чиқишиларидан, мулкий ҳолатидан, миллатидан, тилидан, динга муносабатидан, бошқа эътиқодларидан,

<sup>27</sup> Ёеңнåððööðööðééíä áèðéé÷è áíáèäàäè “+ííóí ìàðíëàðëää àðàìàëàðääí ôû\ðè ôíéäàëàíèø ðàìîéèëëàðè” ìàâçóñèäà ñàæèj ñûçèfí =ííóí ìàðíëàðëää èøëëððëëø ùà=ëää áàðàðñèë ìàúéöñò áåðëëäè.

*бошқа ҳолатларидан) ишлатилган.* Аслида -дан қўшимчасини Конституциядаги сингари бир марта ишлатиш йўли билан шу хуқуқий нормани аниқ ифодалаш мумкин эди. Матнда сон категориясини қўллашда ҳам хатоликка йўл қўйилган. Конституциянинг юқоридаги моддасида сўзлар асосан бирликда (*жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан*) ифодаланиб тўғри шаклда берилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонунда эса -лар кўплик қўшимчаси уч марта (*келиб чиқишиларидан, бошқа эътиқодларидан, бошқа ҳолатларидан*) ишлатилиб услубий жиҳатдан хатоликка йўл қўйилган. Шунингдек, бу моддада қатъи назар сўзини қатъий назар тарзида бериб, орфографик хатолик ҳам юз берган.

Агар юқоридаги икки нормани фуқароларга тушунарлилик нуқтаи назаридан ҳам таҳлил этганда Конституциядаги шаклнинг муваффақиятли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Конституциядаги бир хуқуқий норма бошқа қонунларда ифодаланганда, Конституциядаги хуқуқий лексик-грамматик қолипни сақлаш қонуншуноснинг муқаддас бурчидир. Бу билан, биринчидан, Конституциянинг бошқа қонунлардан устунлиги таъминланса, иккинчидан, Конституция билан қонунлар ўзаро мувофиқлашади, учинчидан, Конституциядаги ҳар бир хуқуқий норма узоқ муддат ишланиши, халқ муҳокамасидан қайта-қайта ўтиши натижасида “силлиқланиб боради”, етти ўлчаб бир кесилади.

Тадқиқот давомида қонунларнинг номланиши масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги муаммолар аниқланди ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилди. Мустақилликдан сўнг Асосий қонунимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси”, “Маъмурий хукуқбузарлик кодекси”нинг “Маъмурий жавобгарлик кодекси”, “Никоҳ ва оила кодекси”нинг “Оила кодекси” сифатида номланиши қонунчилик фаолиятидаги ижобий жиҳатлар сифатида баҳоланади. Бугунги кунда аксарият қонунларнинг номлари шу қонунларнинг мазмун ва моҳиятини тўла ифодалаши таъкидланади.

Шу билан бирга, қонунларнинг номланишида айрим муаммоли жиҳатлар ҳали ҳам мавжуд. Бугунги кунда айрим қонунларнинг номлари, хусусан, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодекси ҳамда Фуқаролик кодексларининг номлари ўзларининг мазмун ва моҳиятини тўла ифодалай олмайди.

Гап шундаки, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодекси таркибидаги *жиноят* сўзи рус тилидаги уголовнўй сўзидан мазмунан эмас, сўзма-сўз таржима қилинган.

Бу атаманинг келиб чиқиши тарихини кузатадиган бўлсак, “уголовнўй” сўзи қадимги рус тилида “у (прификс) *К головнўй*” сўзидан олинган бўлиб, “қотил” маъносини англатган. Ўз навбатида, рус тилидаги -ын (*н*) суффикслари билан ясалган “головнўй” сўзи “*от голова*”, яъни “*боши олинган мурда*” маъносини берган.<sup>28</sup>

<sup>28</sup> +àðàíá: Шанский Н.М., Иванов В.В., Шанская Т.В.. Краткий этимологический словарь русского языка. - М.: Происвещение, 1971. - С.460.

В.М. Савицкийнинг ёзишича, X1 асрда “Русская правда”да агар қотил топилмаса: “*то виръвную платити, въ чьеи же верви голова лежить*” (яъни пул жаримасини мурданинг танаси топилган қабила тўлайди) деб таъкидланган.

1471 йилда Новгород суди ёрлиғи (грамота)да қотиллик “головшиной” ва “поголовшиной” деб аталади. Кейинчалик рус тарихий манбаларида “головник” сўзи “қотил” маъносида қўлланади. “Головник” сўзи жиноятчини қатл этишни эмас, балки жиноятчининг ўзини, яъни “каллакесар” маъносини англатган.<sup>29</sup>

Шу боис XX асрнинг бошларида айрим Россиялик ҳукуқшунос олимлар совет қонунлари илк бор номланаётган пайтда бу қонуннинг “Уголовный кодекс” тарзида номланишига қарши фикр билдиришган. Жумладан, ҳукуқшунос олим Н.Н. Полянский “Уголовный кодекс” ва “Уголовно-процессуальный кодекс” тарзида қонунларнинг номланишидан воз кечишни таклиф қиласди. Унинг фикрича, ушбу қонунларнинг номланишида “уголовный” атамасини ишлатиш билан анахранизмга йўл қўйилган деб ҳисоблайди. Олим бу атама, биринчидан, этимологик жиҳатдан инсониятни таҳқирласа, иккинчидан жиноят ва жазо ўртасидаги фарқларни ажратиб бера олмаслигини қайд этади. Н.Н. Полянский бу қонунни “*Уложения о преступлениях и наказаниях*” деб номлашни тавсия этади.<sup>30</sup>

Н.Н. Полянский 1824 йилда Давлат кенгашида тасдиқланган “Уголовное уложение” лойиҳасидаги қуйидаги фикрларга асосланиб, юқоридаги қонуннинг номини ўзгартиришни таклиф этади: “*Уголовное наказание суть те, где дело идёт о голове, т.е. о жизнi, diminitio capitalis a жизнью каждого лица в обществе есть трояная: физическая, политическая, и гражданская, две последние иминуются правами состояния. Всякое наказание, непосредственно удручаюющее или умаляющее будущее или состояние лица, есть наказаное уголовное*”.<sup>31</sup>

Шундан кейин Н.Н.Полянский “уголовное наказание” атамаси 1845 йилда ишлаб чиқилган ва октябр тўнтаришига қадар Россияда амалда бўлган “*Уложения о наказаниях и исправительных*” қонунига кириб қолганлигини қайд этади ва эндилиқда инсониятни камситувчи “уголовный” атамасидан воз кечишни таклиф қиласди.<sup>32</sup>

В.М. Савицкий эса Н.Н. Полянскийнинг бу фикрига қарши фикр билдириб, “уголовный” атамасидан воз кечиш учун ҳеч қандай асос йўқлигини, бу атаманинг Н.Н. Полянский таъкидлаганидек, инсониятни камситувчи “каллакесар” маъноси кўпчиликка маълум эмаслигини, факат уни ҳукуқ тарихи билан шуғулланувчи мутахассисларгина билишини таъкидлайди ва бу атама эндилиқда “жиноятга доир” деган маънени беришини айтади.<sup>33</sup>

Табиат ва жамиятдаги барча предметлар ўзгаришда бўлгани сингари тил хам муттасил ривожланиб боради. Шу сингари “уголовный” атамаси X1 асрдан

<sup>29</sup> Савицкий В.М. Язык процессуального закона. - С.118.

<sup>30</sup> Полянский Н.Н. О терминологии советского закона // Пробл.соц. права. 1938. №5 . -С.122-124.

<sup>31</sup> Полянский Н.Н. О терминологии советского закона. - С.123.

<sup>32</sup> Полянский Н.Н. О терминологии советского закона. - С.123.

<sup>33</sup> Савицкий В.М. Язык процессуального закона. - С.120. Ўà=è=àòàí ùàì “уголовный” àðàìàñè ùîçèðâè ïàéðâà ðóñ ðèëëäà “æèññóà äèð” äâåäà íàúññè áâðâæ. +àðàíá: Ожегов С.И. Словарь русского языка. - М.: Советская энциклопедия, 1968. -С.811.

XIX аср охирларига қадар “каллани кесии”, “каллакесар”, “қотил” атамасини ифодалаган бўлса, XX асрнинг бошларидан то ҳозиргача қонун тилида кўп қўлланиши натижасида бу атама бугунги кунда рус тилида “жиноятга доир” маъносини ифодаламоқда.<sup>34</sup>

Ўзбек тилига эса бу сўз “жиноят” тарзида сўзма-сўз таржима қилиниб, у рус тилидаги “жиноятга доир” маъносини бермайди. Ўзбек тилида “жиноят” сўзи ўз номи билан жиноят маъносини англатади. Кўринадики, “жиноят” сўзи “уголовнўй” сўзининг XX асрга қадар ифодалаган маъносига (“қотиллик” сингари) яқин тушунчани ифодалайди, XX асрдан кейинги “жиноятга доир” маъносини бермайди.

Шу боис *Жиноят кодекси*, *Жиноят-процессуал кодекси*, *Жиноят-ижроия кодекси* бирикмалари ўзбек тилида қарийб 70-80 йил ишлатилган бўлса-да, “жазо” ёки “жиноятга доир” маъноларини бермади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу қонунлар 1926 йилда Ўзбекистонда илк марта қабул қилинганида “Жазо тузуги”, ”Жазо-йўруқ тузуги” номи билан қабул қилинган. Бу ном кодекснинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда ўзини тўла оқлар эди. Умуман олганда, бу қонун кўпгина ривожланган мамлакатларда *жазо кодекси*, *жазолаши кодекси* тарзида юритилади.

Шу нуқтаи назаридан юкоридаги қонунларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда Жиноят кодексини “Жиноят ва жазо кодекси”, Жиноят-процессуал кодексини “Жиноят муҳокама кодекси”, Жиноят-ижроия кодексини “Жазони ижро этиш кодекси” деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Умуман, қонуншунос олимлар томонидан қонунларнинг номланишига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилиши, қонунларга ном беришда шу принципларга қатъий амал қилиниши керак.

Бизнинг назаримизда, қонунларга ном беришда қўйидаги принципларга асосланиш керак:

- 1) қонуннинг номи шу қонуннинг мазмун ва моҳиятини тўла ва тўғри ифодалashi лозим.
- 2) қонуннинг номи ўта аниқ ва равшан бўлиши лозим.
- 3) қонуннинг номи қисқа, содда ва лўнда бўлиши керак.
- 4) қонуннинг номи халқ тилига яқин бўлиши зарур.
- 5) қонуннинг номидаги ҳар бир сўз факат ва факат биргина маънони бериши, унда кўп маъноли сўзлар, омонимлар ишлатилмаслиги керак.
- 6) қонун номи ўзбек адабий тилининг барча грамматик қонун-коидаларига тўла мос бўлиши лозим.
- 7) қонун шу жамиятда яшовчи барча оддий инсонларнинг манфаати нуқтаи назаридан номланиши мақсадга мувофиқ. Токи шу жамиятда яшовчи ишчи, дехқонлардан зиёлиларгача ҳамма қонуннинг номи айтилган заҳоти бу қонунда нима ҳақида гап боришини, у қандай ижтимоий муносабатларни тартибга

<sup>34</sup> Ожегов С.И. Словарь русского языка. -С.811.

солишини тушуниши лозим. Ана шундагина фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалади, қонун устунлиги таъминланади.

Кўринадики, жамиятда фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда, қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни таъминлашда қонунларнинг номланиши масаласи муҳим ўрин тутади. Шунга кўра хорижий мамлакатлар (Буюк Британия, АҚШ) тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда “Ўзбекистон Республикаси Қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида”ги қонунларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг номланиши хусусида алоҳида ҳуқуқий норма киритилиши мақсадга мувофиқ. Бу ҳуқуқий нормада қонунларнинг номланишига қўйиладиган юқоридаги талаблар ўз аксини топиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

**“Ўзбек юридик атамашунослиги муаммолари”** деб номланган иккинчи бобда ўзбек юридик атамашунослигининг тарихий тараққиёти илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилади, ўзбек юридик атамалари ҳукуқнинг соҳалари бўйича таснифланади. Миллий юридик атамашуносликдаги муаммолар аниқланиб, уларни баратараф этиш йўллари кўрсатилади.

Тадқиқотда ўзбек юридик атамаларининг ривожланиш тараққиётини аниқлаш мақсадида шариат манбалари, айниқса собиқ совет ҳокимияти даврида, яъни октябрь тўнтаришидан то ҳозиргача қабул қилинган қонунлар ва бу даврда яратилган юридик атамалар лугати ўрганиб чиқилиб, 1920-2003 йилларда юридик атамалар куйидаги даврларни босиб ўтган деган хulosага келинди:

1.Арабча юридик атамаларнинг салмоқли ўрин эгаллаган даври (1920-1937).

2.Русча (европача) юридик атамаларнинг мажбуран ёппасига киритилиши (1938-1950 йилларнинг ўрталариғача).

3.Русча (европача) юридик атамалар кириб келишининг бир маромга тушиши (1950 йилнинг ўрталаридан 1990 йилгача),

4.Русча (европача) юридик атамаларни ўзбекчалаштириш жараёнининг бошланиши ва ундаги айrim бир ёқламали ҳаракатлар (1989-92 йиллар);

5.Ўзбек юридик атамалари тараққиётининг тўғри йўналиш тамойиллари белгилаб олиниши.

Тадқиқотда ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланади, бу даврларда қонун матнларида сўзлар қандай ишлатилганлиги, 1938-1990 йилларда ўзбек юридик тилида русча-европача сўзлар таркиби ўринсиз равишда беҳад ошиб кетганлиги таъкидланади, бунинг объектив ва субъектив сабаблари таҳлил этилади. Шунингдек, тадқиқот ишида айrim юридик атамаларнинг тараққиёт даражаси ишлаб чиқилади.

Таъкидланадики, бугунги кунда юридик атамашунослигимиз тараққиётидаги энг муҳим муаммолардан бири русча-европача атамаларга муносабат масаласидир. Бу масалага республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда бир томонлама ёндашиш ҳолатлари ҳам юз бериб, айrim русча-европача атамалар бир варакайига ўзбекчалаштирила бошланди. Бундай ҳолат юридик атамашунослигимизда ҳам ўз аксини топиб, судья ўрнида ҳакам,

*кодекс ўрнида қонунлар мажмуаси, адвокат ўрнида ҳимоячи, адвокатура ўрнида ҳимоячилар идораси, ҳимоячилар жамоаси, ветеран ўрнида кайвоний, пенсионер ўрнида нафақахўр каби атамалар ишлатила бошланди.* Лекин бундай сўзлар тилимизга сингмади.

Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Атамашунослик қўмитаси томонидан бир мунча ижобий ишлар амалга оширилди ва сўнгги йилларда четдан кириб келган атамаларни ўзлаштиришнинг тўғри йўналишлари аниқлаб олинди. Атамашунослик қўмитаси 1992 йилда академик А.Ҳожиев раҳбарлигига Ўзбекистон Республикаси ФА Тилшунослик институти билан ҳамкорликда “Русча байналмилал ўзлашмаларга муқобил танлаш принциплари”ни ишлаб чиқди. Бу мезонларни ўзбек юридик тилида ҳам тўғри қўллай билишга эришилса, юридик тилимиз такомили учун муҳим шартшароитлар яратилади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Конституция тилига узоқ келажакни кўзлаб ҳар жиҳатдан ижодий ёндашилган бўлиб, унда бутун дунё ҳалқлари томонидан бир хил тарзда ишлатиладиган атамаларнинг асл шаклида берилиши айни муддаодир. Конституцияда ҳаммаси бўлиб, 5421 та атрофида сўз ишлатилган бўлса, шундан 43 таси ҳалқаро атамаларга тўғри келади. Улар қўйидагилар: *республика, конституция, суверинитет, демократия, принцип, орган, герб, референдум, президент, партия, суд, институт, норматив, субъект, норма, телефон, банк, пенсия, юридик, цензура, суверен, округ, депутат, стратегик, валюта, кредит, бюджет, комиссия, прокурор, ратификация, денонсация, парламент, смета, аккредитация, дипломатик, орден, медал, амнистия, нормал, материал, адвокатура, кооператив, молия*.

Умуман олганда, Европа тилларидан ўзлашган юридик атамалар ўзбек юридик тилида ҳам маълум бир қисмни ташкил қиласди. Ушбу тадқиқот давомида бундай сўзларнинг нисбий бўлса-да, таркибини аниқлаш учун 1993 йилда яратилган “Юридик атамалар ва иборалар лугати” илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиб чиқиласди. Маълум бўлишича, лугатда ҳаммаси бўлиб, 6700 атрофида юридик атамалар мавжуд бўлиб, шундан 389 таси европа тилларидан ўзлашган атамалардир. Агар буни фоизлар билан ҳисобланса, лугатда ҳаммаси бўлиб 6 фоизни русча-европача атамалар ташкил қиласди.

Тадқиқот ишида юридик атамаларни таснифлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, бу соҳада П.И. Люблинский, В.М.Когон, А.С.Пиголькин, Е.А Прянишников каби ҳукуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари ўрганиб чиқиласди. Бу фикрларга ижодий ёндашган ҳолатда юридик атамалар ҳукуқнинг соҳалари бўйича қўйидагича таснифланади:

1. Умумюридик атамалар: қонун, суд, модда, адвокатура, судья, прокурор, милиция, гувоҳ, суд мажлиси, ҳукуқ, ҳукуқ нормаси, юриспруденция кабилар;
2. Конституциявий ҳукуқ атамалари: конституциявий тузум, давлат тузилиши, суверинитет, суверен тенглик, сиёсий партия, кабилар;
3. Маъмурый ҳукуқ атамалари: маъмурый жавобгарлик, маъмурый жазо, маъмурый қамоқ, жамоат қоидаларини бузии, кабилар;

4. Фуқаролик ҳуқуқи атамалари: *фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, фуқарони бедарак йўқолган деб топши, сотувчининг жавобгарлиги, муаллифлик ҳуқуқи кабилар;*

5. Жиноят ҳуқуқи: *жиноий ҳаракат, жиноят иши, қилмиш, оғир жиноят, жинояларни таснифлаш, жиноий жавобгарлик, қилмиишининг жинойлиги, ўлим жазоси, озодликдан маҳрум этиши кабилар;*

6. Ер ҳуқуқи атамалари: *ерга эгалик қилиши, ердан фойдаланиши, ер кадастри, ерни тасарруф этиши, ердан фойдаланиши қоидаларини бузши кабилар;*

7. Аграр ҳуқуқ атамалари: *декон хўжалигини юритиш ҳуқуқи, давлат хўжаликлари ҳуқуқи, жамоа хўжаликлари ҳуқуқи, режсани бажарии мажбурияти, сувдан фойдаланиши ҳуқуқи, декон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиши ҳуқуқи кабилар;*

8. Меҳнат ҳуқуқи атамалари: *меҳнат интизоми, меҳнат шартномаси, ишга қабул қилиши, меҳнат муносабатларини бекор қилиши тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаши, меҳнат низолари кабилар;*

9. Ижтимоий-таъминот ҳуқуқи атамалари: *пенсия олиши ҳуқуқи, ногиронлик нафақаси, дам олиши ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя кабилар.*

10. Экологик ҳуқуқ атамалари: *атроф-муҳитни согломлаштириши, ҳавони тозалаши, экологик вазият, экологиянинг ўзгариши кабилар.*

11. Молиявий ҳуқуқ атамалари: *даромад солиги тўловчилар, фавқулодда даромадлар, молиявий жазо чоралари, юридик шахсларни даромад солигидан озод қилиши, солиқни ҳисобга олиши қоидалари кабилар;*

12. Фуқаролик процессуал-ҳуқуқи атамалари: *фуқаролик суд ишларини юритиш тартиби, фуқаролик процессул ҳуқуқ лаёқати, процессуал ҳуқуқий ворислик, фуқаролик иши кабилар;*

13. Жиноят-процессуал ҳуқуқи атамалари: *жиноят ишларини юритиш тартиби, жиноят ишини қўзғатиши, судда жиноят ишларининг ошкор кўрилиши, жиноят процесси иштирокчилари кабилар;*

14. Хўжалик-процессуал ҳуқуқи атамалари: *хўжалик суди, хўжалик судлов низолари, хўжалик судлов иштирокчилари, хўжалик судининг ажрими кабилар.*

15. Халқаро ҳуқуқ атамалари: *халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи, дипломатия ва консуллик ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи кабилар.*

Ҳар бир халқнинг атамашунослик тизимида шакл ва мазмуннинг бирлиги хамда уларнинг мутаносиблиги масаласи муҳим ўрин тутади. Чунки мазмун - объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг онгда акс этиши бўлса, шакл (ном) эса шу тушунчанинг ташки белгиси, рамзий кўринишидир. Шу боис тушунчаларга ном беришда атамалар қанчалик тўғри танланса ва тушунча билан атама ўртасида узвий алоқадорлик қанчалик кучли бўлса, атама тушунчани аниқ ифодалайди.

Шунинг учун ҳам “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ти қонуннинг 19-моддасида: “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойда-ланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади”, -

дейилади. Бироқ амалиётда эса юридик атамаларнинг шакл ва мазмунида бир қанча муаммолар мавжуд.

Мазкур тадқиқотда юридик атамаларнинг шакл ва мазмуни билан боғлиқ бундай муаммолар қўйидаги уч гуруҳга умумлаштирилди:

1. Юридик атамаларда шакл ва мазмуннинг ўзаро номутаносиблиги муаммоси;
2. Бир ҳукуқий тушунчанинг турли номлар асосида юритилиши (сионимия) муаммоси;
3. Бир юридик атаманинг турли маъноларни ифодалаши (омонимия ва полисемия) муаммоси.

**Юридик атамаларда шакл ва мазмуннинг ўзаро номутаносиблиги муаммоси.** Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан собиқ шўролар даврида ўзбек юридик тилида ишлатиб келинган, лекин мазмун ва моҳияти шаклига тўғри келмайдиган айrim атамаларнинг ҳам муносиб вариантларини ишлаб чиқишига ҳам эришилди. Масалан, рус тилидаги *гражданский истец*, *гражданскийиск*, *гражданский ответчик* бирикмалари ўзбек тилида истиқлолга қадар *гражданлик даъвогари*, *гражданлик даъвоси*, *гражданлик жавобгари* тарзида ишлатилиб келинди. Кейинчалик уларни ўзбекчалаштириш мақсадида *фуқаролик даъвогари*, *фуқаролик даъвоси*, *фуқаролик жавобгари* тарзида ўзгартирилди. Ўзбекчалаштирилган бу бирикмалар ҳам шу ҳукуқий тушунчанинг мазмунини тўла оқламас эди. Чунки *гражданский истец* дейилганда даъво қилаётган шахс фуқаро сифатида ўз ҳукуқини талаб қилиши назарда тутилади, *фуқаролик даъвогари* бирикмаси эса фуқаро бўлиш учун даъвогарлик қилаётган шахс (*олимлик даъвогари* каби) тушунилади. Шунинг учун янги қонун хужжатларида, жумладан Жиноят-процессуал кодексида *фуқаровий даъво*, *фуқаровий даъвогар*, *фуқаровий жавобгар* тарзида ишлатилди.

Шунингдек, рус тилидаги *подозреваемый* атамаси истиқлолга қадар юридик тилимизда *гумондор* тарзида ишлатиб келинди. *Гумондор* атамасининг луғавий маъносига эътибор берилса, у гумон қилинаётган шахсни эмас, балки гумон қилаётган шахсни ифодалашини кузатиш мумкин. Шу боис бу атама ҳозирги кунда *гумон қилинувчи* тарзида қабул қилинди. Бу ном юқоридаги тушунчани тўла ифодалайди.

Афсуки, юридик атамашуносликда *гумондор* сўзи сингари шакл ва мазмун жихатидан бир бирига тўғри келмайдиган атамалар ҳозир ҳам талайгина. Мисол сифатида *тўғри қасд*, *эгри қасд*, *юқори прокурор*, *қуийи прокурор*, *депутатлик тафтиши*, *виждан эркинлиги* каби бир қанча атамаларни келтириш мумкин.

Бу атамаларнинг номи ўzlари ифодалаган ҳукуқий тушунчанинг мазмунини тўла акс эттира олмайди. Мисол сифатида *тўғри қасд* ва *эгри қасд* атамаларига тўхталиб ўтсак. Жиноят кодексининг 21-моддаларида бу атамалар ишлатилган. Бунда *тўғри* сўзи *қасд* сўзи билан биргаликда рус тилидаги *прямой умёсел* атамасининг маъносини ифодалаш учун хизмат қилган.

Ҳукуқшуносликнинг муҳим соҳаси бўлган жиноят ҳукуқида шундай ҳукуқий норма мавжудки, унга мувофиқ агар жиноят содир этган ёки этмоқчи бўлган субъект ўз қилмишининг ижтимоий хавфли жиҳатларини англаша, шунда

ҳам жиноят содир этишга ҳаракат қилса, бундай ҳолат рус тилида *прямой умъсел* деб юритилади. Бу атама ўзбек тилига сўзма-сўз *тўғри қасд* деб таржима қилинган. Лекин бу ном юқоридаги ҳуқуқий нормани ифодалай олмайди. Юристлар ҳар ҳолда *тўғри қасд* дейилгандা, юқоридаги ҳуқуқий нормани тушунишар, лекин бошқа касб эгалари бу ҳуқуқий нормани англамайди.

Ҳақиқатан ҳам, бу ҳуқуқий норма учун икки сўздан иборат муносиб ном топиш анча мураккаб вазифа. Шунинг учун назаримизда бу ҳуқуқий нормани *тўғридан тўғри қилиши* деб номлаш лозим. Шундан келиб чиқкан ҳолда эгри *қасд* (косвеннўй умъсел) атамасини эгри *ниятда қасд қилиши* деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ҳуқуқшунос ва тилшунос олимлар А.Саидов, М.Қосимова, Л.Каримовалар бугунги кундаги айрим юридик атамалар масалан: *депутатское расследование* - *депутат тафтиши* тарзида (аслида депутат текшируви) *вўшеисполняюҳий прокурор* - *юқори прокурор* тарзида (аслида юқори погона прокурори), *нижестояюҳий прокурор* - *қуийи прокурор* тарзида (аслида қуийи погона прокурори) нотўғри таржима қилиниб қонун матнларида ишлатилаётганлигини жуда тўғри таъкидлайдилар.<sup>35</sup>

**Бир ҳуқуқий тушунчанинг турли номлар асосида юритилиши (синонимия) муаммоси.** Тадқиқот ишида ўзбек юридик атамашунослигида синонимия ҳодисаси кенг тарқалганлиги, бу қонун ижодкорлиги фаолиятида салбий ҳодиса ҳисобланиши, ҳуқуқий нормаларнинг турлича шарҳланишига сабаб бўлиши таъкидланади. Рус тилидаги бир юридик атаманинг ўзбек тилида турли шакллар мавжудлиги мисоллар билан исботланади. Масалан: рус тилидаги *прекращение (дело)*, *окончание (дело)*, *приостановление (дело)* атамаларининг ўзбекча вариантлари қонун матнларида турли-туман шаклларда маъноси фарқланмаган ҳолда ишлатилмоқда. Масалан, *прекращение (дело)* атамаси Жиноят-процессуал кодексида (373,374-моддаларда), Хўжалик-процессуал кодексида (86, 87-моддаларида) (*ишини*) *тугатиш* тарзида берилган бўлса, “Юридик атамалар ва иборалар луғати”да эса *ишини ётқизиш*, *бекор қилиши* тарзида ифодланган. Шунингдек, бу атама айрим хужжатларда ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларнинг тилида (*ишини*) *тамомлаш*, (*ишини*) *тугаллаш* шаклларида ҳам ишлатилади.

Бундан ташқари, бу атамани ноўрин ишлатиш шунчалик кенг тарқалганки, ҳатто бир қонуннинг айнан бир моддасида турлича шакллари учрайди. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг 111 бобига эътибор беринг:

*111 боб. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилиши  
19- модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг  
тўхтатилиши асослари*

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қуидаги ҳолларда тўхтатилади:

Кўринадики, бу қонуннинг 111 боби “Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилиши” деб номланиб, *приостановлении* атамаси

<sup>35</sup> Нәёәїї А., +ମେନ୍ଦିଲା ଲୀ, ଏଢେନ୍ଦିଲା ଫେ. ଏମ୍ବନାଦେଇାଇ ଇଂଇଶ. -A.4.

*тўхтатилиши* тарзида берилади. Лекин шу бобнинг ичида биринчи бўлиб берилган 19-модданинг номланишида юқоридаги модда *тугатилиши* тарзида берилиб хатоликка йўл қўйилади ва шу модданинг биринчи гапида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қўйидаги ҳолларда *тўхтатилади*” тарзида берилиб хатолик яна тузатилади.

Демак, бу атама ўзбек юридик тилида (*ишини*) *тугатилиши*, ётқизиши, бекор қилиши, *тамомлаши*, *тугаллаши* сингари бешта шаклда берилмоқда. Бундай ҳолатларда (*ишини*) *тугатилиши* шаклини расман қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки: биринчидан, у аксарият қонунларда шу шаклда ишлатилган. Иккинчидан, бошқа атамаларга нисбатан юқоридаги ҳуқуқий тушунчанинг мазмунини айнан ифодалайди. Учинчидан, юридик тилда *окончание (дело)*, *приостановление (дело)* атамалари ҳам мавжуд бўлиб, *окончание (дело)* атамасини (*ишини*) *тамомлаши*, *приостановление (дело)* атамасини (*ишини*) *тўхтатилиши* тарзида ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот ишида бир қанча синоним атамаларнинг жадвал асосидаги рўйхати ишлаб чиқилади. Уларнинг айримларини келтириб ўтамиш:

АТАМАНИНГ РУСЧА НОМИ	АТАМАНИНГ ЎЗБЕК ҲУҚУҚИЙ ТИЛИДАГИ ШАКЛЛАРИ
показание -	кўрсатув, кўрсатма, кўргазма, кўргазув, гувоҳлик, сўрок бериш;
умышленно -	билиб туриб, била туриб, билган холда, қасдан;
исполнительная власть -	ижро ҳокимияти, ижро этиш ҳокимияти, ижро этувчи ҳокимият, ижроия ҳокимияти;
давность -	муҳлат, муддат, ўтган муддат, кучини йўқотиш муддати;
уголовное дело -	жиноят иши, жиноий иш;
сторону -	томонлар, тарафлар
оборонспособность	мудофаа қуррати, мудофаа қобилияти, мудофаа салоҳияти
склонение	қизиқтирувчи, ундовчи
потерпевший -	жабрланувчи, жабрдийда;

Кўринадики, ўзбек юридик атамашунослигида синонимия ҳолати жуда ҳам кенг тарқалган. Бунга асосий сабаб, биринчидан, собиқ шўролар пайтида узок йиллар давомида ўзбек юридик атамаларига бефарқ қаралгани бўлса, иккинчидан, ҳозирги кунда аксарият қонунларнинг аввал рус тилида тайёрланиб, сўнгра ўзбек тилига таржима қилинишидир. Айниқса, ҳуқуқий билимлардан ҳамда юридик атамалардан хабарсиз бўлган бошқа соҳа мутахассис-таржимони маълум бир ҳуқуқий нормани ифодалашда юридик тилда қабул қилинган атамаларни эмас, балки шунга яқин маъноларни ифодаловчи сўзларни ишлатади. Натижада бундай сўзлар қонун матнига кириб қолиб, юридик атамаларда синонимия ҳодисасининг кўпайишига сабаб бўлади. Шунинг учун қонун лойиҳасини даставвал ўзбек тилида тайёрлашга эришиш, сўнгра унда ишлатилган

хар бир атама устида чуқур ўйлаб кўриш ва юридик тилга қабул қилинган атамаларнигина ишлатиш мақсадга мувофиқ.

**Бир юридик атаманинг турли маъноларни ифодалари (омонимия ва полисемия) муаммоси.** Тадқиқот ишида айрим юридик атамалар ўзларининг юридик тилда қабул қилинган маъноларидан ташқари бошқа маъноларни ҳам ифодалари тадқиқ этилади. Бироқ атамашуносликда омонимия ва полисемия ҳодисасининг мавжудлиги ижобий ҳодиса ҳисобланмайди, балки шу соҳа тилининг ҳали такомилига етмаганлигидан дарак беради.<sup>36</sup> Чунки атамаларда омонимия ва полисемия ҳодисаси мавжуд бўлса, матнни шарҳлаш учун кенг йўл очилиб, ҳар ким ўзи билганича талқин қила бошлади.

Афсуски, ҳозирги пайтда айрим юридик атамаларимизнинг лексик маъносига эътибор берилса, уларда, айниқса, омонимия ҳодисаси кенг тарқалганигини, семантик жиҳатдан умумадабий тил билан юридик тилда қўлланиш доирасига кўра фарқланишини кузатиш мумкин. Масалан:

АТАМАНИНГ НОМИ	УМУМАДАБИЙ ТИЛДАГИ МАЪНОСИ	ЮРИДИК ТИЛДАГИ МАЪНОСИ
жиноят процесси	жиноятнинг жараёни	юриспруденциянинг бир бўлими;
жиноят хукуки	жиноятчиларнинг ўзаро хукуклари.	юриспруденциянинг бир бўлими;
жиноят психологияси	жиноят қилишни ўргатувчи психология	жиноятни ўрганувчи психология
жиноий-синов хукуки	жиноятчилар томонидан синаш хукуки	юриспруденциянинг бир бўлими;
жиноят иши	жиноят қилиш ҳақидаги иш.	жиноят ва жазо тўғрисидаги хужжатлар тўплами;
жиноий иш	жиноят қилиш ҳақидаги иш.	жиноят ва жазо тўғрисидаги хужжатлар тўплами;
жиноий таъқиб (уголовное преследование)	бирор шахснинг жиноятчилар томонидан таъқиб қилиниши.	жиноятчини маъмурий органлар томонидан таъқиб қилиш;
жиноят-кассация коллегияси	жиноятчилар уюшмаси	жиноятни кўриб чиқувчи кассация коллегияси
фуқаролик хукуки	инсоннинг фуқаро сифатидаги хукуклари	юриспруденциянинг бир соҳаси
фуқаролик процесси	хар бир инсоннинг фуқаро сифатидаги ҳаёт жараёни	фуқаролик ишларини юритиш жараёни

Маълумки, юридик тил умумадабий тилнинг муҳим бир таркибий қисми ҳисобланади. Шунга кўра юридик атамалар ифодаловчи асосий тушунчалар умумадабий тилдаги маъносидан келиб чиқсан ҳолда белгиланиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, бундай атамалар қонун матнларида берилганида хукукий нормаларнинг турлича шарҳланишига сабаб бўлади. Жумладан, Маъмурий

<sup>36</sup> +аððäã: Язык закона, -С.76-88.; Савицкий В.М. Язык процессуального закона. -С. 30-35.; Ушаков А.А. Очерки советского законодательного стилистики. -С.171.; Боголюбов С.А. Стиль правовых актов // Сов. государство и право. 1973. №10.; Боголюбов С.А. Язык правоприминительных актов // Сов. юстиция. 1973 №15.; Сырых В.М. Кретерии и способы выявления смысловых отношений между правовыми понятиями. Проблемы совершенствования советского законодательства. Труды ВНИИС З, вып.5. -М.: 1976.

жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 289-моддасидаги қуидаги жумлаларга эътибор беринг:

*289-модда. Шахсни кўрикдан ўтказиши ва ашёларни  
кўздан кечириши*

*Шахсий кўрикдан ўтказиши ва ашёларни кўздан кечириши тўғрисида  
баённома тузилади... .*

Бу моддада рус тилидаги личнўй досмотр атамаси икки хил шаклда, яъни: *шахсни кўрикдан ўтказиши, шахсий кўрикдан ўтказиши шаклида* берилган. Бу билан қонуншунос, биринчидан, хуқукий нормаларнинг хилма-хил шакллари яъни синонимиясининг вужудга келишига “ҳисса” қўшаётган бўлса, иккинчидан *шахсий кўрикдан ўтказиши* деб атамаларда омонимия ҳодисасига йўл қўйган. Чунки рус тилидаги личнўй досмотр атамасини *шахсни кўрикдан ўтказиши* бирикмаси тўла ифодалайди, *шахсий кўрикдан ўтказиши* эса бу хуқукий тушунчанинг мазмунини очиб бера олмайди. Чунки *шахсий кўрикдан ўтказиши* атамаси қуидаги икки маънени ифодалайди: 1) бир масъул шахс томонидан бир ёки бир неча кишининг кўрикдан ўтказилиши; 2) бир нечта масъул шахс томонидан фақат бир кишининг кўрикдан ўтказилиши.

Юридик атамашуносликда асло бундай ҳолатларга йўл қўйиб бўлмайди. Бу ҳодиса хуқукий нормаларнинг турлича шарҳланишига олиб келади. Масалан, Маъмурий жавобгарлик кодекси 289-моддасининг юқоридаги хуқукий нормасини қуидагича икки хил маънода талқин қилиш мумкин:

1. Бир ёки бир нечта масъул шахс томонидан бир кишининг кўрикдан ўтказилиши ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади;
2. Шахсан фақат бир масъул шахс томонидан бир ёки бир нечта кишини кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади.

Маъмурий жавобгарлик кодексининг юқоридаги 289-моддасида унинг биринчи маъноси кўзда тутилади. Лекин бу хуқукий норманинг икки маънени ифодалашидан фойдаланиб, кўрикдан ўтказилувчи шахс бу моддани ўз манфаати нуқтай назаридан талқин қилиши мумкин. Яъни у “*Маъмурий жавобгарлик кодексининг 289-моддасига мувофиқ фақат бир масъул шахс мени кўрикдан ўтказиши лозим. Бир нечта бўлиб мени кўрикдан ўтказишга ҳаққингиз йўқ*” деб эътиroz билдириши мумкин.

Кўринадики, юридик атамашуносликда омонимия муаммоси жуда ҳам долзарб бўлиб, энг хавотирлиси у қонунларнинг турли мазмунда талқин қилинишига кенг йўл очиб беради. Афсуски, қонун матнларида бундай ҳолатларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, юридик атамаларда полисемия ҳодисаси ҳам жуда кенг тарқалган. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, одатда, умумадабий тилдаги кўп маъноли сўзлар ўзларининг асосий маънолари билан бирга кўчма маънени ҳам ифодалайди. Юридик атамалардаги кўп маънолиликда эса атамаларнинг кўчма маъно касб этиши кузатилмасдан, ўзларининг асосий маъноси билан биргаликда қўшимча маъноларни ҳам ифодалashi қайд этилади.

Ўз навбатида, юридик атамалардаги бундай ҳодисани омонимия ҳодисаси сифатида ҳам баҳолаб бўлмайди. Чунки, биринчидан, бу атамаларнинг асосий ва қўшимча маънолари семантик жиҳатдан бир-бири билан ўзаро боғлик.

Иккинчидан, уларнинг қўшимча маънолари умумадабий тилда алоҳида мустақил маънони англатмайди.

Бугунги кунда юридик атамашунослигимизда кўп маънолилик ҳодисаси шунчалик кенг тарқалганки, ҳатто айрим юридик атамалар ўзларининг асл маъносига тескари, қарама-қарши маъноларни ифода этади. Бу, айниқса, рус тилидаги уголовнўй сўзининг ўзбек тилига жиноят ва жиноий тарзида таржима қилингандигида кузатилади. Кўйидаги юридик атамаларнинг луғавий маъносига эътибор беринг:

АТАМАНИНГ НОМИ	АТАМАНИНГ АСОСИЙ МАЪНОСИ	АТАМАНИНГ ҚЎШИМЧА МАЪНОСИ
Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни	1.Ўзбекистоннинг жиноят ва жазо тўғрисидаги қонуни;	2.Гўёки Ўзбекистоннинг жиноят қилиш ҳақидаги қонуни.
Жиноят кодекси	1.Жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунлар мажмуаси;	2.Жиноят қилиш ҳақидаги қонунлар мажмуаси.
Жиноят-процессуал кодекси	1.Жиноят муҳокамаси ҳақидаги қонунлар мажмуаси;	2.Жиноят жараёни ҳақидаги қонунлар мажмуаси.
Жиноят-ижроия кодекси	1.Жиноятга белгиланган жазони ижро этиш тартиби ҳақидаги қонунлар мажмуаси	2.Жиноятни ижро этиш тартиби ҳақидаги қонунлар мажмуаси.
жиноий жавобгарлик	1.Суд томонидан жиноят учун белгиланган жавобгарлик;	2.Жиноий гурухлар томонидан белгиланган жавобгарлик.

Кўринадики, ўзбек юридик атамашунослигига синонимия, омонимия, полисемия муаммоларини ҳал этиш ўта муҳим вазифа бўлиб, бу йўналишга бағишланган маҳсус тадқиқот обьектларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Норматив-хуқуқий атамалар комиссияси томонидан амалда мавжуд бўлган барча қонун хужжатлари атамашунослик нуқтаи назаридан чуқур илмий-назарий таҳлилдан (инвентаризациядан) ўтказилиши лозим. Бу ишга шу соҳани яхши тушунадиган хуқуқшунос ва тилшунос олимларни, етук мутахассисларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиккан ҳолда Ўзбекистон Республикаси юридик атамаларининг Ягона умумхуқуқий эталонини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Тадқиқот ишида қонун матнларида атамалардан тўғри фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Қонун лойиҳаларини тузища айрим ҳолатларда атамалардан тўғри фойдаланилмаётганлиги батафсил таҳлил этилади. Атамаларни қўллашдаги бундай нуқсонлар тўргт гурухга таснифланади:

1. Айрим қонун лойиҳаларида барча учун тушунарсиз бўлган, ҳал оммалашмаган, ўта ихтисослашган атамалар кўп ишлатилмоқда;
2. Атамаларнинг бирлиги, яхлитлиги ва барқарорлигини сақлашга етарли даражада эътибор берилмаяпти;
3. Қонушунос томонидан ўзи билганича атама ясаш ҳолатлари учрамоқда;
4. Атамалар нейтрал маъно эмас, балки услубий жиҳатдан кўчма маъно касб этиб, уларда ижобий ёки салбий бўёқдорлик ифода этиш ҳолатлари кучаймоқда.

Тадқиқот ишида бундай нуқсонларга айрим хуқуқий нормалардан кўпдан-кўп мисоллар келтирилиб, улар илмий-назарий жиҳатдан изчил тадқиқ этилади.

Учинчи боб “Ўзбек қонунчилик услубияти муаммолари” деб номланган бўлиб, унда хуқуқий ижодкорликда қонунчилик услубиятининг тутган ўрни, қонунчилик услубиятининг илмий-назарий жиҳатлари, хуқуқий нормаларни ифодалашнинг усуллари ишлаб чиқилади. Қонун тилидаги лексик-грамматик услубий муаммолар илмий жиҳатдан таҳлил этилади. Шунингдек, бу борадаги муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилади.

Таъкидланадики, қонунчилик услубияти, унинг мақсад ва вазифалари хақида атрофлича мукаммал билимга эга бўлиш учун уни лингвистик фанлар доирасидагина тушунтиришнинг ўзи кифоя қилмайди. У фақат лингвистик билимлар нуқтаи назаридан текширилганда, унинг моҳияти, туб мазмуни очилмай қолади. Чунки қонунчилик услубияти юридик ва лингвистик билимлар ўртасидаги маълум бир илмий йўналиш бўлиб, шунга кўра юридик ва лингвистик билимларнинг ўзаро ҳамкорлигини тақозо этади. Қонунчилик услубияти билан шуғулланувчи мутахассисдан ҳам юридик, ҳам лингвистик билимлардан хабардор бўлиш талаб қилинади. Қонунчилик услубияти деган бирикманинг ўзиёқ шундан далолат берадики, қонунчилик юридик билимларга, услубият эса лингвистик илмларга тегишлидир. Шунинг учун қонунчилик услубиятнинг предмети, мақсад ва вазифаларини юридик ва лингвистик фанларнинг орасидан қидириш мақсадга мувофиқ.

Адабий тил фонида қонунчилик услубининг ўрнини белгилашда В.Д.Бондалетова, С.С.Вартапетова, Э.Н.Кушлина, Н.А.Леоновалар расмий иш услубини қуйидагича гурӯхларга ажратадилар:

- 1.Қонунчилик услуби;
- 2.Ҳар хил ёғ қофозлари услуби;
- 3.Дипломатик иш қофозлари услуби.<sup>37</sup>

Қонунчилик услуби расмий иш услуби доирасига кирувчи услубларнинг энг асосий тури ҳисобланади. У жамият ижтимоий фаолиятининг хуқуққа даҳлдор бўлган соҳасигагина хизмат қиласди. “Қонунчилик услуби - деб ёзишади “Қонун тили” китобининг муаллифлари, расмий иш услуби доирасига кирувчи барча кенжа услубларнинг шаклланиш ва ривожланиш йўлини белгилайди, қонунчилик услубининг турли иш қофозлари матнининг услубиятида ва лексикасида ўз аксини топади. У бу иш қофозларининг шакл ва мазмунига ўз таъсирини ўтказади, идоравий хужжатларнинг ва маъмурий иш юритишнинг намунаси бўлиб хизмат қиласди”<sup>38</sup>

Шу нуқтаи назардан олиб қараганимизда, бизнинг фикримизча, яхлит адабий тил фонида қонунчилик услубини алоҳида маҳсус услуг сифатида, яъни расмий иш услубидан алоҳида ажратиб кўрсатилиши ва маҳсус ўрганилиши зарур. Чунки расмий иш услуби дейилганда фақатгина расмий иш қофозлари (ариза, тилхат, таржимаи ҳол кабилар) даражасидаги услуг доираси тушунилади.

<sup>37</sup> Бондалетова В.Д., Вартапетова С.С., Кушлина Э.И., Леонова Н.А. Стилистика русского языка -М.: 1982, -С.88.

<sup>38</sup> Язык закона, -С.14.

Қонунчилик услубида эса соф юридик воқеа, ҳодиса, нормалар мазмунини ифодалаш, ҳуқуқий жараён ҳақида гап боради. Бу шунчалик мураккаб ва кўп қирралики, уни ифодалаш воситаси расмий иш юритиш услуби доирасида ҳал этиб бўлмайди. Қонунчилик услуби юриспруденция ва лингвистика ўртасидаги маълум бир илмий йўналиш эканлигини, шунга кўра у мустақил услуб сифатида тан олинишини профессор А.А.Ушаков алоҳида қайд этган эди.<sup>39</sup> Ҳатто қонунчилик услубини мустақил услуб сифатида шакллантириш лозимлигини, унинг ўзига хос хусусиятлари бор эканлигини, бу белгилар уни адабий нутқнинг мустақил услуби сифатида ажратишга асос бўлишини ҳуқуқшунос олим Ф.Жени ХХ асрнинг бошидаёқ таъкидлаб ўтган эди.<sup>40</sup> Лекин ҳали ҳам қонунчилик услубига етарли даражада эътибор берилмаяпти.

Тадқиқот ишида ҳуқуқий нормаларни ифодалашнинг методологик асосларини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада Руминиялик А.Нашиц, Франциялик олимлар М.Валин, Ж.Дабин, Ф. Жени каби олимларнинг бу соҳадаги ишлари батафсил ўрганиб чиқилади.

Таъкидланадики, юридик норма сифатида ифодаланаётган ҳуқуқий ахборот жуда мураккаб ва кенг бўлган тақдирда қонун ижодкорлиги фаолиятида бу нормани хатбоши, ҳарф, рақамлар орқали қисмларга бўлиб ифодалаш усулидан фойдаланилади. Бу усул уч хил йўл билан ифодаланади:

1. Гапда асосий (предикатив) фикрни ифодаловчи, грамматик жиҳатдан эга ва кесимдан (уларга боғланган бўлаклардан) тузилган бош гап берилиб, сўнгра уюшган гаплар санаб ўтилади. Масалан:

*Куйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъи назар меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:*

- 1) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириши учун;
- 2) суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиши учун;
- 3) ... .

*(Меҳнат кодекси 164-м.).*

2. Гапнинг эгаси ва у билан боғланган бўлаклар берилиб икки нуқта қўйилади ва шундан кейин уфшган бўлаклар бандма-банд берилиб, якуний фикрни ифодаловчи - кесим ҳар бир қисмнинг охирида берилади. Масалан:

*Ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиши инспекцияси:*

*муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган маҳкумларни рўйхатга олади;*

*маҳкумнинг ҳукмда кўрсатилган тақиқларга риоя этишилари*

*текширади;*

... .

*(Жиноят-ижроия кодекси 22-м.)*

3. Гапнинг эгаси берилиб икки нуқта қўйилади ва уюшган бўлаклар қисмма-қисм санаб ўтилиб, энг охирги бандда якуний фикр - кесим ифодаланади. Масалан:

*Маҳкумлар:*

*жазони ўтаси тартиби ва шартларига риоя этишига;*

<sup>39</sup> Ушаков А.А. Очерки советской законодательной стилистики, Пермь: 1967. -С.156.

<sup>40</sup> Жени Ф. Законодательная техника в современных гражданско-правовых кодификациях // Спб, 1906, - С.138.

*жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларини бажаршига мажбурдирлар (Жиноят-ижроия кодекси 13-м.).*

4. Эргаш гаплар қисмма-қисм берилиб, охирги қисмда асосий фикрни ифодаловчи бош гап берилади. Масалан:

*Башартி:*

- 1) ушлаб берилиши талаб қилинаётган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлса;
  - 2) жиноят Ўзбекистон Республикасида содир этилган бўлса;
  - 3) ... бўлса;
  - 4) ... бўлмаса;
- 5) ушлаб берииши тўғрисидаги талабнома асос бўлган қилмиши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўйича жиноят ҳисобланмаса, шахсни ўзга давлатга ушлаб бершига йўл қўйилмайди (Жиноят-процессуал кодекси 10-м.).

Хозирги қонун ижодкорлиги жараёнида мураккаб хуқукий ахборотни хуқукий норма сифатида шакллантиришда асосан шу тўртта усулдан фойдаланилади. Хуқукий нормаларни бу усулда ифодалаш қонун ижодкорлиги жараёнида ижобий ҳолат деб қаралади. Чунки бу усул орқали ифодаланган хуқукий норманинг қисмма-қисм бўлиб берилиши натижасида тушунарлилик даражаси юқори бўлади.

Мазкур бобда қонун матнларида сўз қўллашдаги хатоликлар, ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларига мос келмайдиган айрим жиҳатлар илмий-назарий асосда таҳлил этилади ва бундай ҳолатларга кўпдан-кўп мисоллар келтирилади, уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилади.

Таъкидланадики, хозирги пайтда кўпгина қонун матнларида ўзбек тилининг энг муҳим грамматик категорияси, яъни қаратқич-қаралмиш муносабатида хатоликларга йўл қўйилмоқда. Масалан,

*Юридик шахснинг фирмаси номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга берииши ва ўтказишига фақат юридик шахс қайта ташкил этилган ҳамда умуман корхона бошқа шахсга берилган ҳоллардагина йўл қўйилади.*

*(Фуқаролик кодекси 1101-м.)*

Бу хуқукий нормада ҳам қаратқич-қаралмиш муносабатида хатолик мавжуд. Матндаги шахснинг сўзи қаратқич бўлиб, ҳуқуқни, берииши ўтказиши сўзларидан, яъни қаралмишдан -и эгалик қўшимчасини олишни талаб қиляпти. Афсуски, матнда ҳуқуқни, берииши, ўтказиши сўзларида эгалик қўшимчаси берилмаган. Шунинг учун ҳам бу хуқукий нормани тушуниш анча оғир. Агар шу матн қўйидагича тўғри ифодаланса, унда аниқлик ҳам таъминланади:

*Юридик шахснинг фирмаси номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга берииши ва ўтказишига фақат юридик шахс қайта ташкил этилган ҳамда умуман корхона бошқа шахсга берилган ҳоллардагина йўл қўйилади.*

Қонун тилидаги грамматик-услубий муаммолар ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кундаги кўпгина қонун матнларида қўлланмоқ феъли (жазони қўлланмоқ, эҳтиёт чораларини қўлланмоқ тарзида) нотўғри берилмоқда. Масалан:

*Мусодара қилиши чорасини қўлланниш тартиби ушибу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади*

*(Маъмурий жавобгарлик кодекси 28-м.).*

*Суд, агар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларига зид бўлмаса, бошқа норматив ҳужжатларни қўлланади*

(Фүқаролик-процессуал кодекси 12-м).

Бу матнлардаги құлланиши ва құлланади сүзлари мажхұллик даражасыда ифодаланиб, қүпіл хатоликка йўл қўйилган. (Бу мантиқий нұқтаи назардан ҳам тўғри эмасдир). Феъл мажхұллик даражасыда ифодаландими, ҳаракатни бажарувчи шахс субъект ифодаланмаслиги лозим. Аслида бу матнлардаги феъллар мажхұллик даражасыда эмас, аниқ даражада, яъни қўллаш, қўллайди тарзида ишлатилиши зарур эди. Шунда фикр мантиқий жихатдан тўғри ифодаланар эди. Ҳатто, бундай хатоликни айрим моддаларнинг номланишида ҳам кузатиш мумкин.

Бу мисоллардан күринадики, қонун матнларида құлланмоқ феъли тушум келишигидаги сўзни бошқарып келяпти. Мажхуллик даражасидаги бу феъль (құлланмоқ) тушум келишигидаги сўзни бошқармайды. Бу ўринларда шу феълнинг аниқ даражадаги формасини (жазони құллаш, эҳтиёж чораларини құллаш тарзида) ишлатиш мақсадға мувофиқдир. Академик А.Хожиев құлланмоқ феъли тушум келишигидаги сўзни бошқармаслигини ўз вақтида алохидатайтында тақида үтганды.

Тадқиқотнинг **хулоса** қисмида диссертант томонидан олиб борилган илмий иш натижалари умумлаштирилди ва қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш учун **амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди. Уларнинг энг асосий силари қуйидагилар:

1.Хуқукий давлат қуришда, фуқароларнинг хуқукий онги ва хуқукий маданиятини шакллантиришда қонунчилик техникаси, қонунларнинг ифода усули масалалари муҳим аҳамият касб этиб, қонунларнинг халқаро стандартлар даражасида мукаммал ишлаб чиқилишининг асосий омили ҳисобланади. Шунга кўра мамлакатимиз мустақилликка эришиб, миллий истиқлол ғоялари муҳим аҳамият касб этаётган бутунги кунда халқаро қонунчилик техникасини илмий жиҳатдан чукур ўрганган ҳолда ўзбек қонунчилик техникасини такомиллаштириш, бу соҳага доир илмий тадқиқот ишларини кенг йўлга қўйиш муҳим вазифа ҳисобланади.

2. Миллий истиқололар Ўзбекистонда қонун тилининг тараққиёти учун ҳам кенг йўл очиб берди. Мамлакатимизда қонун тилини такомиллаштириш учун норматив-ҳуқуқий асос ишлаб чиқилди. “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонун (20-модда) ҳамда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун (19-модда) эндиликда қонун тилининг такомиллашуви учун ҳуқуқий база бўлиб хизмат қиласди. Ўз навбатида, бу Қонунларни яна ҳам такомиллаштириб, унга қонун тилининг илмий жиҳатдан асосланган энг муҳим белгиларини, қонун тилига қўйиладиган талабларни ҳам ҳуқуқий норма сифатида акс эттириш мақсаддага мувофиқ.<sup>42</sup>

3. Мамлакатимизда амалда бўлган қонунларнинг тили юзасидан шундай умумий холосага келиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳар томонлама ижодий ёндашилган бўлиб, у ифода усули нуқтаи назаридан ҳам ниҳоятда мукаммал даражада тузилган, уни тайёrlашда қонун тилига қўйиладиган барча талабларга қатъий риоя қилинган. Шунга кўра

<sup>41</sup> Щожиев А. “+ылланмо=” феълининг ишлатилиши ща=ида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1965, №5, -Б.68.

<sup>42</sup> +ííóí ðæëëéíá áó aåëæëàðè àà óíãà =ûéëëäéëäí ðæëëàðè ðìçéóð ðàä=è=îòíéíà èëëëí÷è áâæäà èøëëà ÷è=ëëäí.

Конституциямиз нафақат юридик жиҳатдан, балки ифода усули нұқтаи назаридан хам бошқа қонунларга юридик тилнинг ягона илмий-амалий андозаси (эталони) бўлиб хизмат қилиши лозим. Бироқ амалиётда эса Конституциямиздаги айrim хуқуқий нормаларни бошқа қонунларда акс эттирганда Конституциядаги ифода усулинини, сўз ва атамаларни сақлаш принципига тўла риоя қилинмаяпти. Бу эса Конституциянинг барча қонунлардан устунлиги принципига зиддир.

4. Миллий истиқололга эришганимизнинг дастлабки йилларида қонунларимизнинг қисқа муддат ичида тайёрланганлиги ва қонун матнларини давлат тилида тайёрловчи малакали мутахассисларнинг етишмаслиги сабабли аксарият қонунлар дастлаб рус тилида тайёрланиб, сўнгра тезлиқда ўзбек тилига ўтирилди. Шунинг натижаси ўлароқ ҳозирги пайтда қонунларимиз тилида номукаммалликлар мавжуд. Айrim хуқуқий нормаларни ифодалашда ўта аниқлик етишмайди, қонун тилига қўйиладиган муҳим талаб - қисқалик ва содалик принципига тўла жавоб бера олмайди, айrim қонун лойиҳалари тилида ҳали ҳам рус тилининг таъсири мавжуд. Бу эса амалиётда қонунни қўлловчилар учун айrim кийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Натижада бу шу хуқуқий норманинг ижтимоий ҳаётда тўла бажарилмаслигига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, айrim қонунларнинг рус ва ўзбек тилидаги шаклларида бир-бирига мос келмайдиган ўринлар мавжуд. Шунинг учун қонунларнинг русча ва ўзбекча шакллари бир-бирига тўла мос бўлиши нұқтаи назаридан қайта экспертизадан ўтказилиши лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Норматив-хуқуқий атамалар комиссияси таркибида маҳсус эксперталар гуруҳи ташкил этилиб, унга Республикада кўзга кўринган хуқуқшунос ва тилшунос олимларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

5. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий истиқололга эришганимизга ўн икки йил тўлган бир пайтда ҳам айrim қонун лойиҳалари ўзга тилларда тайёрланиб, сўнг давлат тилига ўтирилмоқда. Назаримизда, қонунчилик амалиётидаги бундай “тажриба”га чек қўйиш фурсати етди.

Бунинг учун “Ўзбекистон Республикаси Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасига, “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонуннинг “Қонун лойиҳаларининг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар” деб номланган 1У бобига, “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг “Норматив-хуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар” номли 111 бобига қонун лойиҳаларининг давлат тилида тайёрланиши шартлиги хуқуқий норма сифатида алоҳида қайд этилиши мақсадга мувофиқ.

6. Миллий хуқуқий тизимимиз тараққий топиб, қонун ижодкорлик фаолияти муҳим аҳамият касб этаётган бугунги кунда қонунларимизнинг тўғри номланиши масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Шунга кўра миллий истиқололдан сўнг айrim қонунларимиз (Маъмурий жавобгарлик кодекси) ўз мазмун ва моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тўғри номланди. Лекин айrim қонунлар (Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Фуқаролик кодекси)нинг номлари ҳозир ҳам ўзларининг асл мазмун ва моҳиятини тўла ифодалай олмайди.

Хорижий мамлакатлар (Буюк Британия, АҚШ) тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги, “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунларга норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг номланишига қўйиладиган талаблар хусусида алоҳида хуқуқий норма киритиш мақсадга мувофиқ.

7. “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёrlаш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасида, “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасида қонун матнида ишлатилаётган атамалар амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ (турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда) ягона шаклда қўлланиши белгиланган. Бироқ бу хуқуқий нормага қонун матнларида ишлаб чиқишида тўла риоя қилинмаяпти. Қонун матнларида атамалар турли-туман шаклларда берилмоқда.

Шунга кўра ўзбек юридик атамашунослик тизимида, айниқса, уларнинг шакл ва мазмун бирлиги мутаносиблигида бир қанча муаммолар мавжуд. Бундай муаммоларни қуидагича умумлаштириш мумкин:

бириңчидан, айрим юридик тушунчаларнинг рус тилидан сўзма-сўз таржима қилиниши натижасида айрим юридик атамаларимизнинг шакли мазмунига тўғри келмайди (*тўғри қасд*, *эгри қасд*, *депутатлик тафтиши* кабилар). Шунга кўра уларнинг номлари шу хуқуқий тушунчанинг мазмунини очиб бера олмайди;

иккинчидан, ҳозирги пайтда бир хуқуқий тушунчанинг бир нечта шакллари (сионимия муаммоси) мавжуд (*показание* - *кўрсатув*, *кўрсатма*, *кўргазув*, *кўргазма*, *гувоҳлик*, *сўроқ берии* кабилар). Бу ҳолат ўзбек юридик атамашунослигида жуда ҳам кенг тарқалган бўлиб, хуқуқий нормаларни турлича шарҳлашга кенг йўл очиб бермоқда;

учинчидан, бир юридик атаманинг турли тушунчаларни ифодалashi (омонимия ва полисемия) муаммоси шунчалик кенг тарқалганки, ҳатто айрим юридик атамалар ўзларининг асл маъносига тескари, қарама-қарши маъноларни ифода этади. Масалан, “Жиноят-ижроия кодекси” атамаси “жиноятга белгиланган жазони ижро этиши тартиби ҳақидаги қонунлар мажмуаси” ҳамда “жиноятни ижро этиши тартиби ҳақидаги қоидалар мажмуи” тушунчаларини англатади.

Бу эса амалиётда қонунларни турлича шарҳлашга сабаб бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан юридик атамашуносликда сионимия, омонимия ва полисемия ҳодисаларини бартараф этиш, уларнинг илмий асосланган ягона шаклларини ишлаб чиқиш биринчи галдаги вазифа бўлиши лозим.

8. Қонун ижодкорлиги фаолиятидаги бу муаммони ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Норматив-хуқуқий атамалар комиссияси томонидан амалда мавжуд бўлган барча қонун ҳужжатлари атамашунослик тизими нуқтаи назаридан қайта чуқур илмий-назарий таҳлилдан (инвентаризациядан) ўтказилиши лозим. Бу ишга шу соҳани яхши тушунидиган хукуқшунос ва тишлинос олимларни, етук мутахассисларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Шундан келиб чиқкан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг раиси Э.Х.Халилов таъкидлаганларидек, Ўзбекистон Республикаси юридик атамаларининг Ягона умумхуқуқий лугати (эталони)ни яратиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.<sup>43</sup>

9. Ҳозирги пайтда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқувчи мутахассислар томонидан адабий тилда мавжуд бўлмаган янги сўз ясаш ҳолатлари (*амрнома*, *огоҳнома* каби) ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда. Бу билан қонуншуноснинг ўзи

<sup>43</sup> Халилов Э.Х. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан. Автореф. дисс. ... доктор. юрид. наук. - Т: 2000. -С.32.

умумадабий тилда мавжуд бўлмаган янги сўзларни қонун матнларида ишлатиб, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига хилоф иш тутмоқда. Бу моддада янги сўзларни ўзбек тилига жорий этиш тартиби ҳақида маҳсус ҳуқуқий норма мавжуд бўлиб, унда шундай дейилади: “Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади”.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ янги атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин фақат Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилиши лозим. Амалиётда эса бу вазифа асосан Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Атамашунослик қўмитаси ҳамда Олий Мажлис хузуридаги “Норматив-хуқуқий атамалар комиссияси” томонидан жорий этилмоқда.

Шу боис “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасидаги 3,4-қисмларни амалга ошириш юзасидан амалиётда номувофиқликлар мавжуд. Бу масалаларни тартибга солиш қонунчилигимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

10. Қонунларимизнинг ҳар жиҳатдан тўла мукаммал бўлиши учун қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишига ҳуқуқшунослар билан бирга тилшуносларни кўпроқ ҳам жалб қилиш лозим. Бунда тилшуносларнинг маълум бир юридик билимлардан хабардор бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки тилшунос олим маълум бир юридик билимлар, қонун ёзиш илми, қонун тили, унинг ўзига хос хусусиятлари, юридик атамашунослик нормалари ҳақида маълумотга эга бўлмасдан туриб, қонун лойиҳасига тўла ва атрофлича баҳо бера олмайди. Шу боис қонун лойиҳаси қабул қилиш ишида қатнашувчи тилшуносларнинг юридик билимларини ошириш мақсадга мувофиқ.

Қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланувчи ҳуқуқшуносларга эса маълум бир лингвистик билимлардан хабардор бўлиш талабини қўйиш лозим. Шу мақсадда улар учун маҳсус ўқув курслари жорий этилиши лозим ва бу ерда уларга ўзбек тилининг қонун қабул қилишда ишида керак бўладиган энг нозик лексик-грамматик қонун-қоидалари ҳақида маълумот берилиши зарур. Қонун лойиҳалари қонун ижодкорлигига оид бундай ўқув курсларида ўз малакаларини оширган мутахассислар томонидангина ишлаб чиқилиши лозим.

11. Айрим ривожланган давлатлар, жумладан, Германия, Франция, Швеция каби мамлакатларнинг қонунчилик тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда қонун лойиҳаси қабул қилинишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Атамашунослик қўмитасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФА Тил ва адабиёт институтига экспертиза учун жўнатилиши зарур. Бу ўринда қонун тайёрловчи ташкилот ва муассасалар билан Ўз ФА Тил ва адабиёт институти ўртасида шартнома асосида йўлга қўйиш яхши самаралар беради. Бу ерда қабул қилинаётган қонун лойиҳаси тилшунос олимлар томонидан ҳар томонлама жиддий ўрганилиши, муҳокамадан ўтказилиши керак. Улар томонидан чуқур илмий асосланган ёзма холоса бўлгандагина қонун лойиҳаси муҳокама учун парламент аъзоларига берилиши зарур.

Қонун чиқарувчи ҳокимият - Олий Мажлис депутатлари эса қонунларнинг сифат жиҳатдан мукаммал ишлаб чиқилишига, норматив-хуқуқий хужжатларнинг тили ва ифода услуби масалаларига ўз эътиборларини янада оширишлари ва айни пайтда улар қонунчилик техникаси бўйича маълум бир билимларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

12. Юридик олий ўқув юртларида келажакда қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланувчи мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш зарур. Бу талабаларга ўқув дастурлари қонунчилик амалиётидан келиб чиқсан ҳолда тузилиб, бу талабаларга хуқуқ, тил, мантиқ, муҳаррирлик ишлари, қонун тузиш сирлари, қонунчилик техникасининг тарихи, бугуни, келажаги, жаҳон қонунчилик техникаси каби билимлар жуда чукур ва мукаммал ўргатилиши зарур.

13. Мамлакатимизда юридик тил ва юридик нутқ масалаларини узлуксиз равишда такомиллаштириш, бу соҳада маълум бир билимларни доимий ривожлантириш, юридик тил ва юридик нутқ назарияси билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва шу соҳада етук малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда “Юридик тил ва юридик нутқ назарияси” деб номланган янги фанлараро илмий йўналишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Бу илмий йўналишнинг ўрганиш обьекти қўйидаги масалаларни қамраб олиши лозим:

- \* юридик тил, қонунчилик лингвистикаси ва қонунчилик услубиятига доир назарияни муттасил такомиллаштириш;
- \* юридик тил ва унинг таркибий қисмларини чукур илмий-назарий таҳлил этиш асосида юридик тилнинг моделини яратиш;
- \* юридик атамашунослик муаммоларини чукур илмий асосда ўрганиш;
- \* амалиётда хуқуқнинг ривожига тўсқинлик қилаётган, қонунни қўллаш учун қийинчилик туғдираётган ифода усулларини аниқлаш;
- \* хуқуқий нормаларни ифодалашнинг методологик асосларини ишлаб чиқиши;
- \* қонун таржимашунослиги муаммолари билан шуғулланиш;
- \* юридик нутқ назариясини илмий-назарий таҳлил этиши;
  - \* хуқуқшунос кадрнинг касбий фаолияти билан боғлиқ “Суд нотиқлиги”, “Ижтимоий нутқий алоқа”, “Судда нутқ сўзлаш ва ҳақиқат муаммолари”, “Юриспруденцияда сўз санъати” каби ўқув курсларининг илмий асосларини белгилаш.

14. Умуман олганда, мамлакатда миллий юридик тилни такомиллаштириш шундай мураккаб жараёнки, бу соҳада узоқ келажакка мўлжалланган истиқболли стратегик йўналишларни, унинг илмий-назарий методологик асосини белгиламасдан туриб, бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Шу боис давлат томонидан айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилиши, қонун ижодкорлиги жараёни бўйича давлат миқёсида узоқ келажакка мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши зарур. Бу истиқболли режа босқичмабосқич ҳаётга татбиқ этилиши лозим.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ МУАЛЛИФНИНГ ҚУЙИДАГИ КИТОБ ВА МАҚОЛАЛАРИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПГАН**

### **АЛОҲИДА НАШРЛАР**

Ўзбекистон Республикасида қонунчилик техникаси (тил, услуб, юридик атамашунослик). Монография. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. - 100 б.

- 2.Қонун ва тил (А.Саидов, Л.Саидова, М.Қосимовалар билан ҳаммуаллифликда). - Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1997, -224 б.
- 3.Қонунчилик техникаси асослари (А.Х.Саидов билан ҳаммуаллифликда). - Т: Адолат, 2001, -220 б.
4. Дипломатик тил асослари. - Т.: ЖИДУ, 2002, -75 б.

#### ЖУРНАЛ МАҚОЛАЛАРИ

5. Кеча, бугун, эртага. ғғ Ҳаёт ва қонун. 1997. № 1. 77-81 б.
6. Ўзбек қонунчилик техникаси: муаммолар ва ечимлар. ғғ Ҳаёт ва қонун. 1998. №6. 6-8 б.
7. Ўзбекистон Республикасида қонунчилик техникасининг баъзи масалалари. ғғ Ҳуқуқ - Право - Law. 2000. №3. 11-13 б.
8. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик техникаси жаҳон андозалари сари. ғғ Ҳалқаро муносабатлар: иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ. 2000. №2. 93-96 б.
- 9.Қонунларда ўта аниқликни таъминлаш долзарб вазифа. ғғ Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2000. №5. 15-20 б.
10. Ўзбек юридик атамашунослигининг айрим муаммолари ғғ Давлат ва ҳуқуқ. 2000. №4. 71-74 б.
- 11.Ҳуқуқнинг ривожида тилнинг ўрни. ғғ Ижтимоий фикр. 2001. №1.
- 12.Қонун ижодкорлигига сўзнинг ўрни. ғғ Ҳаёт ва қонун.2001.№1. 15-18 б.
13. Қонун тили тараққиёти муаммолари ғғ Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2001. №2-3. 21-24 б.
14. Қонун тили ва қонунчилик амалиёти. ғғ Ижтимоий фикр. 2001. №2. 66-73 б.
- 15.Ҳалқаро ҳуқуқда тил сиёсати масалалари. ғғ Ҳалқаро муносабатлар: иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ. 2001. №2. 71-75 б.
16. Тил ва қонун ижодкорлиги. ғғ Ҳаёт ва қонун. 2001. №5. 16-17 б.
17. Ўзбек юридик атамаларида шакл ва мазмун бирлиги муаммоси ғғ Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. №6. 36-39 б.
18. Қонун тили муаммолари. ғғ Қонун химоясида. 2001. №7. 34-37 б.
19. Юридик олий ўқув юртларида давлат тили таълими муаммолари. ғғ Тил ва адабиёт таълими. 2002. №1. 87-91 б.
20. Ҳуқуқий онг ва қонун тили. ғғ Тафаккур. 2002. №2. 4-9 б.
- 21.Қонун матнларида атамалар. ғғ Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. №6. 59-61 б.
- 22.Қонунлар талқини. ғғ Тафаккур. 2003. №1. 115-116 б.
23. Ўзбек қонунчилик услуби ҳақида. ғғ Тил ва адабиёт таълими. 2003. №1. 7-10 б.

#### ИЛМИЙ ТЎПЛАМЛАРДАГИ МАҚОЛАЛАР

- 24.Давлат равнаки ва тил муаммолари. ғғ И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари” рисоласи бўйича анжуман материаллари. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,1995.36-37 б.

25. Конституциямизнинг тил ва услубий хусусиятлари. FF Конституция: иқтисодий ва хуқуқий ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммолари. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1995. 42-43 б.

26. Хуқуқий ижодкорликда қонунчилик техникаси масалалари. FF Ҳуқуқнинг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. 15-20 б.

27. Юридик атамашунослигимиз тараққиётидаги муаммолар. FF Ўзбек тилида халқаро хуқуқ атамалари. - Т.: UWED PRESS, 1998. 28-33 б.

28. Конституциямизнинг тил ва услубий хусусиятлари (Н. Мирзаева билан ҳаммуаллифликда). FF Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. - Т.: Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1999. 70-74 б.

29. Қонун тили: тарих ва бугун. FF Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. - Т.: Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1999. 94-103 б.

30. Ўзбек қонунчилик услубиятидаги муаммолар. FF Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. - Т.: Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1999. 115-124 б.

31. Юридик таълимда давлат тили. Нофилологик олий ўқув юртларида давлат тили таълим муаммолари. FF - Т.: UWED PRESS, 1999. 10-12 б.

32. Ўзбек юридик атамашунослиги тараққиёти муаммолари. FF Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. - Т.: Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1999. 139-148 б.

#### ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ

33. Мутахассислик тили (Б. Мамедов билан ҳаммуаллифликда). Тошкент Давлат юридик институти талабалари учун дастур. - Т.: Адолат, 1998. - 20 б.

34. Мутахассислик тили. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро хуқуқ факультети талабалари учун ўқув дастури. - Т.: UWED PRESS, 1999. -21 б.

35. Мутахассислик тили. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро муносабатлар факультети талабалари учун ўқув дастури. - Т.: UWED PRESS, 1999. -20 б.

36. Мутахассислик бўйича ўзбек тили. (ЖИДУнинг халқаро хуқуқ факультети учун намунавий ўқув дастури) - Т.: ЖИДУ, 2000. - 20 б.

37. Мутахассислик бўйича ўзбек тили. (ЖИДУнинг халқаро муносабатлар факультети учун намунавий ўқув дастури) - Т.: ЖИДУ, 2000. - 21 б.

Филология фанлари доктори илмий даражасига талабгор Кўчимов Шуҳрат Норқизиловичнинг 10.02.02 - миллий тиллар (ўзбек тили) ихтисослиги бўйича «Хукукий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари (лингво-юридик таҳлил)» мавзусидаги диссертациясининг

## ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

**Калитли сўзлар:** юрислингвистика, тил ва хукуқ, қонунчилик техникаси, юридик техника, қонун тили, юридик атамашунослик, қонунчилик услубияти.

**Тадқиқот обьектлари:** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистонда ҳозирда амалда бўлган барча қонунлар, шунингдек, собиқ совет ҳокимияти йилларида (1920-1990) қабул қилинган қонунлар, ҳалқаро миқёсдаги қонун ва шартномалар.

**Ишнинг мақсади:** Ўзбекистон Республикаси қонунчилик техникасининг долзарб муаммолари - ўзбек қонунчилик тили, услубияти, юридик атамашунослик масалаларини ҳам лингвистик, ҳам юридик жиҳатдан илмий-назарий таҳлил қилиш, унинг лингво-юридик хусусиятларини аниқлаш, ўзбек қонунлари тилини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот методи:** илмий билишнинг диалектик, тарихий, муаммоли-аналитик, қиёсий-хукуқий, социологик методлари.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Ўзбекистон Республикаси қонунлари тили ва услубини илмий-назарий таҳлил қилиш жараёнида бир қанча муаммолар аниқланди, уларни баратараф этиш учун илмий тавсиялар ва қонун тилига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Тадқиқот хulosалари Ўзбекистон ҳукуқшунослик ва тилшунослик фанларида миллий юридик тил билан боғлиқ янги маҳсус фанлараро илмий йўналишга асос солади.

**Амалий аҳамияти:** Ўзбекистон Республикаси қонунлари тили ва услубини сифат жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида муҳим ҳолоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Диссертациянинг асосий хulosалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ўтказилган конференцияларда (1996-2003) маъruzалар қилинган. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари асосида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида, Тошкент Давлат юридик институтида 1997-98 ўқув йилидан бошлаб «Мутахассислик тили» деб номланган ўқув курси киритилган.

**Кўлланиш соҳаси:** Диссертация асосида ишлаб чиқилган хulosалар ва амалий тавсиялар мамлакатимиз қонунчилик тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот натижалари қонунларни тайёрлаш ишида, юридик олий ўқув юртларида юридик тил назариясини ўқитишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

## РЕЗЮМЕ

Диссертации Кучимова Шухрата Норкизиловича на тему “Научно-теоретические проблемы выражения правовых норм в узбекском языке (лингво-юридический анализ)”, представленной на соискание ученой степени доктора филологических наук по специальностям 10.02.02 - узбекский язык.

**Ключевые слова:** юрислингвистика, юридическая техника, законодательная техника, язык и право, язык закона, юридическая терминология, законодательная стилистика.

**Объект исследования:** Конституция и другие закони Республики Узбекистан; закон, принятые в период с 1920 по 1990 гг.; международные закон и договор.

**Цел работы:** исследование с научной точки зрения актуальных проблем законодательной техники Республики Узбекистан как отдельной области специализации, связанной с языковыми и юридическими науками (язык законодательства, законодательная стилистика, юридическая терминология); определить его лингво-юридические особенности; разработать научно-обоснованное рекомендации по совершенствованию законодательства Республики Узбекистан.

**Метод исследования:** диалектический, исторический, проблемно-аналитический, сравнительно-юридический, социологический и общенациональный метод познания.

**Полученная результат:** в процессе научно-теоретического анализа языка и стилистики законодательства Республики Узбекистан выявляется ряд проблем, для решения которых были разработаны научные рекомендации и требования, предъявляемые к языку законов. Заключение исследования станет началом нового специального межнаучного направления, связанного с национально-юридическим языком, юридическими и лингвистическими науками Узбекистана.

**Практическая значимость:** выработанное важное заключение и практические рекомендации по совершенствованию качества языка и стиля законов Республики Узбекистан.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** Основное вывод о диссертации изложен в докладах конференций, проведенных в Олий Мажлисе Республике Узбекистан, Университете мировой экономики и дипломатии, а также Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

**Кроме того,** на основе исследований в Университете мировой экономики и дипломатии и Ташкентском государственном юридическом институте с 1997-98 учебного года введен новый учебный курс по специальности «Мутахассислик тили».

**Область применения:** вывод диссертации играют значительную роль в усовершенствовании законодательной системы нашего государства.

**Результат исследования** станут основным источником в подготовке законов, при преподавании юридической языковой теории в вузах с юридической направленностью.

## RESUME

Thesis of Kuchimov Shukhrat Norkizilovich on the academic degree competition of the doctor of philological science, speciality 10.02.02 - uzbek language: «Scientific Theoretical issues of expressing legislative norms in the Uzbek language (lingua-legal analysis)».

**Key words:** juridical linguistic, juridical techniques, legislative techniques, language and law, the language of law, juridical terminology, legislative stylistics

**Subjects of the inquiry:** The Constitution and other laws of the Republic of Uzbekistan; the laws adopted during the period of the Soviet Union (1920-1990); international laws and contracts.

**Aim of the inquiry:** determines problems in the language of legislation while studying the Uzbek national legislative language and its methodology, works out demands and scientific recommendations for the improvement of legislative language;

**Method of inquiry:** dialectical, historical, problem analyzing , juridical comparative, sociological and general scientific method of cognition.

**The results achieved and their novelty:** within the process of scientific – theoretical analysis of the language and stylistics of the legislation of the Republic of Uzbekistan emerged a series of problems, which can be solved by the elaborated scientific recommendations and requirements to the language of law. The results of the research of law and language sciences of Uzbekistan discovered new directions connected with the national juridical language.

**Practical value:** the elaboration of important conclusions and practical recommendations concerning the improvement of the quality of language and the style of laws in the Republic of Uzbekistan.

**Degree of embed and economical effectivity:** the main points of the Thesis have been used during the conferences in the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan and lectures in the University of World Economy and Diplomacy and the Academy of Internal Affairs Ministry of the Republic of Uzbekistan (1996-2003). For instance, the main results of this research has been implemented as the basis for the introduction of new subject “ Mutaxassislik tili ” at the University of World Economy and Diplomacy and Tashkent State Juridical Institute since 1997-1998 academic year.

**Sphere of usage:** the results of the Thesis gave considerable importance for the improvement of our legislative system, that is why the results of the Research are used within the process of law elaboration, moreover they can be implemented as materials for the lectures of the theory of juridical language at the Universities and Institutions.